

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**АБДУКАДИРОВА НОДИРА МИРАНВАРОВНА**

**АМБУЛАТОР ШАРОИТИДА COVID-19 ВА МИОКАРД ИНФАРКТИ  
БИЛАН ОҒРИГАН КЕКСА ЁШЛИ БЕМОЛЛАРДА КАСАЛЛИК  
АСОРАТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.06 - Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Абдукадилова Нодира Миранваровна**

Амбулатор шароитида COVID-19 ва миокард инфаркти билан оғриган кекса ёшли беморларда касаллик асоратларининг профилактикаси.....3

**Абдукадилова Нодира Миранваровна**

Профилактика осложнений заболевания у пожилых пациентов с COVID-19 и инфарктом миокарда в амбулаторных условиях.....33

**Abdukadirova Nodira Miranvarovna**

Prevention of complications in elderly patients with COVID-19 and myocardial infarction in outpatient settings.....63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....71

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**АБДУКАДИРОВА НОДИРА МИРАНВАРОВНА**

**АМБУЛАТОР ШАРОИТИДА COVID-19 ВА МИОКАРД ИНФАРКТИ  
БИЛАН ОҒРИГАН КЕКСА ЁШЛИ БЕМОРЛАРДА КАСАЛЛИК  
АСОРАТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.06 - Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ 2025**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib3138 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Тулабоева Гавхар Мирокборовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хамидуллаева Гульноз Абдусаттаровна</b> Тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Курбанов Абдуқодир Кенжаевич</b> Тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Ётақчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашда 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052. Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел/факс: (+99871) 234-16-67, e-mail: [info@cardiocenter.uz](mailto:info@cardiocenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (62 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052. Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел/факс: (+99871) 237-31-57).

Диссертация автореферати 2025 йил 09 октябрь кунги тарқатилди.  
(2025 йил 09 октябрь даги № 84 рақамли реестр баённомаси).



**Р.Д.Курбанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Г.У.Муллабаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.Б.Шек**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва унинг энг оғир клиник шакли бўлган миокард инфаркти (МИ) юрак-қон томир тизими касалликлари (ЮҚТК) орасида ўлим ва меҳнатга лаёқатни йўқотишнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, юрак ишемик касаллиги билан боғлиқ ўлим ҳолатлари 1990-2021 йиллар давомида барқарор ўсиш тенденциясини намоён этган бўлиб, «2021 йилга келиб мазкур касаллик туфайли дунё бўйича қарийб 9 миллион нафар инсон ҳаётдан кўз юмган ва бу кўрсаткич ишемик юрак касаллигини глобал ўлимнинг етакчи сабабларидан бири сифатида тасдиқлаган»<sup>1</sup>. Миокард инфарктини замонавий дори воситалари ёрдамида самарали даволаш ва рецидивларни олдини олиш мумкин бўлса-да, ушбу касалликнинг тарқалиши ва оғир асоратлари билан боғлиқ муаммолар долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Жаҳонда юрак ишемик касаллигининг энг оғир кўринишларидан бири бўлган миокард инфаркти, айниқса кекса ёшда, аниқланиши кечикадиган, яширин кечишга мойил бўлган, юқори хавфли патология ҳисобланади. Пандемия даврида COVID-19 инфекцияси юрак-қон томир тизимида салбий таъсир кўрсатиб, эндотелий дисфункцияси, яллиғланиш каскадлари, тромбоемболик ҳолатлар ва миокард шикастланиши орқали инфаркт хавфини бир неча баравар оширгани исботланган. Кекса ёшдаги беморларда, айниқса COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган контингентда миокард инфаркти ривожланишининг патогенетик механизмлари, коморбид ҳолатлар билан ўзаро боғлиқлиги, ритм бузилишлари, реваскуляризация самарадорлиги ва амбулатор профилактика имкониятлари етарли даражада, ривожланган мамлакатларда ҳам ўрганилмагандир. Шу нуқтаи назардан, ушбу мавзудаги мақсадли клиник тадқиқот олиб бориш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аҳолига кўрсатилаётган кардиологик хизматлари сифатини яхшилаш, ҳудудларда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, соғлом турмуш қуришни қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> олиш каби вазифалар белгилаб олинди. Бу вазифалар юрак қон томир касалликларига чалинган беморларда замонавий усуллари жорий этиш, тиббий ёрдам сифатини янги босқичга кўтариш, ушбу касалликдан ногиронлик ва ўлимни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

<sup>1</sup> ЖССТ Статистик таҳлили, 2017. WHO STEPS Uzbekistan, 2019..

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги № УП-60-сон «2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

стратегияси тўғрисида», 2020 йил 26 мартдаги ПФ-4649-сон «Коронавирус инфекциясининг мамлакатда кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2022 йил 15 мартдаги ПҚ-167-сон «Нуронийларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 28 майдаги ПҚ-340-сон «Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.**

Ушбу диссертация тадқиқоти республика VI «Тиббиёт ва фармакология» - фан ва технологияларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда бутун дунёда COVID-19 пандемияси юрак-қон томир тизими касалликларига таъсирини ўрганиш борасида кенг қўламли тадқиқотларга туртки берди. COVID-19 инфекцияси фонида миокард инфаркти тез-тез ривожланиши, хусусан, катта ёшли ва хавфли гуруҳлар орасида ўлим даражаси сезиларли ошиб боргани таъкидланган (Tay S., Tang J., Yu B. ва ҳамкасблари 2020). Америка кўшма штатларидаги тадқиқотчилар 11 миллиондан зиёд бемор таҳлилида COVID-19дан кейин 1 йил ичида миокард инфаркти 63%, юрак етишмовчилиги 72% ва инсулт 52% хавфи ошишини аниқлашди (Аль-Али ва бошқалар 2022). COVID-19нинг оғир кечиши кўпинча артериал гипертония, ишемик юрак касаллиги, қандли диабет ва сурункали буйрак етишмовчилиги билан боғлиқ эканини қайд этилган (Hu N., Lou J., Chen K., Kang X. 2020).

М.М. Сеченов номидаги университет, “Алмазов” маркази ва РФ Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли муассасаларда олиб борилган тадқиқотларда COVID-19 инфекцияси фонида миокард инфаркти, аритмиялар, тромбозлар ва эндотелий шикастланишининг юқори хавфи қайд этилган (2020-2022). Мамлакатимизда юрак қон томир хасталиклари ва COVID-19 муаммосига қаратилган илмий ишлар озчиликни ташкил этсада мавжуд бўлиб, қатор илмий ишлар олиб борилган, жумладан сурункали юрак етишмовчилиги ва COVID-19 инфекциясининг бирга учраган ҳолатларида эндотелий дисфункциясининг клиник ва прогностик хусусиятлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган (Рахимов А.Н., 2023). Шу билан бир қаторда COVID-19 инфекцияси билан хасталанган беморларда гиперкоагуляция ҳолатлари ва қон параметрларидаги ўзгаришлар чуқур ўрганилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган(Исматова М.Х.,2023).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда Республикамизда миокард инфаркти кечишининг клиник ва функционал предикторларини аниқлаш, кўп компонентли терапиянинг самарадорлигини баҳолаш, ҳамда нишон аъзоларда юзага келадиган шикастланиш жараёнига таъсирини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, беморларнинг

даволанишга мойиллиги ва даво муолажаларини қабул қилиш даражасини таҳлил қилиш ҳам долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган тадқиқотлар, мазкур муаммонинг илмий аҳамиятга эғалигини яна бир бор тасдиқлайди

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ, №0196 0004420 рақамли «Юрак-қон томир тизимининг ёшга боғлиқ жиҳатлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2021-2024 йй)

**Тадқиқотнинг мақсади:** COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган миокард инфаркти бўлган беморларда юрак-қон томир тизими фаолияти, ёндош хасталиклар, лаборатор-инструментал кўрсаткичлар ва узоқ муддатли клиник натижаларни таҳлил қилиш орқали уларни хавф гуруҳларига ажратиш ҳамда индивидуал даволаш ва профилактика чораларини илмий асосда ишлаб чиқишдан иборат

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

COVID-19 инфекциясини бошидан кечирган кекса ёшли беморларда миокард инфарктининг клиник намоён бўлиш хусусиятларини, шикастланиш ўчоқларини ва уларнинг локализациясини таҳлил қилиб вирус оғирлигининг турлича даражалари билан инфаркт шакллари ўртасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган клиник ва патогенетик боғлиқликни аниқлаш;

COVID-19 инфекцияси фонида миокард инфарктини бошдан кечирган беморларда клиник ва лаборатор кўрсаткичларни чуқур таҳлил қилиш орқали яллиғланиш жараёни, гиперкоагуляция ҳолати ва тромбоз ривожланиш хавфини аниқлаш;

COVID-19 инфекциясини ўтказган ва миокард инфаркти ривожланган беморларда турли хавф омилларининг жумладан, депрессия, камҳаракатлик (гиподинамия), ортикча вазн, нотўғри овқатланиш одатлари, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва алкоголь қабул қилиш ҳолатларининг тарқалишини ўрганиб, ушбу омилларнинг касалликнинг оғирлик даражалари (енгил, ўртача оғирликдаги ва оғир турлари) бўйича тақсимотини чуқур таҳлил қилиш;

COVID-19 инфекциясини ўтказган ва миокард инфарктини бошдан кечирган кекса ёшли беморларда юрак-қон томир тизимидаги юқори даражадаги коморбидлик ҳолатларини аниқлаш, унинг инфекциянинг оғир кечиши, инфаркт асоратлари ва прогнозга таъсирини баҳолаш;

миокард инфарктини ўтказган беморларда учрайдиган эрта ва кеч асоратларни аниқлаш, уларнинг тарқалиш ҳолати ва нисбатини таҳлил қилиш, олинган маълумотлар асосида хавф гуруҳларини шакллантириш ва уларни олиб бориш алгоритмининг тақлиф этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида МИ ва COVID-19ни бошидан кечирган 68 нафар бемор (асосий гуруҳ) ҳамда МИни ўтказган, аммо касаллик тарихида COVID-19 қайд этилмаган 60 нафар бемор (назорат гуруҳи) танланган.

Тадқиқотга 128 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети қуйидагилардан иборат бўлди:** беморларнинг клиник-гемодинамик, биокимёвий ва уларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий изланишимизда клиник-функционал, биокимёвий, инструментал ва статистик текширув усуллари олиб борилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 инфекциясини ўтказган ва миокард инфаркти ривожланган кекса ёшли беморларда артериал гипертония, қандли диабет, дислипидемия ва сурункали юрак етишмовчилигининг бир вақтда учраши, инфекциянинг оғир ва асоратли клиник кечишига манфий таъсири аниқланган;

илк бор COVID-19 инфекциясини кекса беморларда миокард инфарктининг сезиларли даражада миокарднинг олд деворини зарарланиши ва миокарди инфарктини Q тишчали шаклини ривожланишига тўғридан тўғри роли аниқланган;

COVID-19 ва миокард инфарктини бошдан кечирган кекса ёшли беморларда яллиғланиш ва гиперкоагуляция жараёнларининг 6 ойдан кейин ҳам сақланиб қолиши, касалликнинг асоратларини юзага келишида ва қайта ревазуляризацияга бўлган эҳтиёжнинг ортишида асосий сабабчиларидан бири бўлиб қолиши аниқланган;

COVID-19 фонида миокард инфаркти ривожланган беморларда клиник, лаборатор ва анамнез маълумотлари асосида индивидуал хавф даражасини баҳолаш ва босқичли кузатув ва даволаш чоралари илмий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

олинган маълумотларга асосланиб, COVID-19 фонида миокард инфаркти ривожланган беморларда клиник, биохимик текширувларни танлаш, даволашни режалаштириш ва кейинги мониторинг қилиш бўйича батафсил тавсияларни ўз ичига олган кекса ёшлардаги миокард инфаркт терапиясининг оптималлаштирилган протоколи ишлаб чиқилган;

олинган натижаларига асосланиб, тиббиётнинг бирламчи бўғинида фаолият олиб бораётган шифокорлар учун миокард инфаркти ва COVID-19 билан оғриган беморларни самарали даволаш, реабилитация қилиш ва касалликнинг иккиламчи профилактикасини амалга оширишда ёрдам берувчи тавсиялар ишлаб чиқилган;

дан далолат берадики, фақатгина даволаш эмас, балки профилактика соҳасида ҳам ўзига хос усуллар ишлаб чиқилган. Бу усуллар касалликнинг клиник ва гемодинамик кўрсаткичларида ижобий ўзгаришларга эришиш имкони кўрсатиб берилган;

ишлаб чиқилган юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқарувчи муҳим хавф омилларининг таъсирини баҳолаш ва амбулатор шароитда олиб бориш протоколини клиник амалиётга жорий қилиш беморларни миокарди инфарктдан кейинги ривожланувчи асоратларини камайтириш имконини бериши очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қатор муҳим омилларга асосланади. Жумладан, тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос

келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-биокимёвий, инструментал маълумотлар статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари илмий аҳамияти шундан иборатки, амбулатор босқичда кекса ёшли беморларда миокард инфаркти ва COVID-19 туфайли юзага келиши мумкин бўлган жиддий асоратларни олдини олиш бўйича асосий йўналишларни белгилашга хизмат қилиб, олинган натижалар COVID-19ни бошдан кечирган ва миокард инфаркти билан оғриган беморлар амбулатор даволашдаги иш жараёнининг заиф томонларини очиб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти шундан иборатки, бу хавфли гуруҳга мансуб беморларда юрак-қон томир касалликларининг иккиламчи профилактикаси бўйича лаборатор диагностика ва даволаш ишларининг етарли даражада олиб борилмаётгани аниқлантб, бу ҳолат замонавий халқаро тавсияларга шифокорлар томонидан тўлиқ риоя этилмаслиги билан боғлиқ эканлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18-сонли йиғилиши баённомасига асосан, илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича №18/30-сонли хулосасига биноан:

*биринчи илмий янгилик:* COVID-19 инфекциясини ўтказган ва миокард инфаркти ривожланган кекса ёшли беморларда артериал гипертония, қандли диабет, дислипидемия ва сурункали юрак етишмовчилигининг бир вақтда учраши, инфекциянинг оғир ва асоратли клиник кечишига манфий таъсири аниқланган. Ушбу ҳолат юқори даражадаги коморбидлик COVID-19 инфекциясининг оғир кечиши билан яқиндан боғлиқ эканлигини кўрсатилган бўлиб, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 26 майдаги 9-сон баённома билан тасдиқланган «COVID-19 ва миокард инфаркти асоратлари профилактикасининг самарадорлиги» мавзусида услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 08-09/21266-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Тошкент шаҳрининг Миробод тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида 2024 йил 5 июндаги 41-сонли буйруқ ҳамда Бухоро вилоятининг Когон тумани тиббиёт бирлашмасида 2024 йил 14 январдаги 18/1-сонли буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши миокард инфаркти ва COVID-19 бўлган беморларда диагностикага эътиборлик билан ёндошиш, даволаш жараёнида беморларда қайд этилган юқори коморбидликни инобатга олиш

беморларни шифокорларга қайта мурожаат қилиши, такрорий касалхонага ётиши, ўлим кўрсаткичини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратиб беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* миокард инфарктини бошдан ўтказган беморларнинг даволанишига керакли юқори технологияли тиббий хизматлар ёки амалиётлар учун сарфланадиган маблағ сезиларли даражада юқори бўлади. Беморларда қон босими, қанд ва холестерин миқдорини назорат қилиш ва юракнинг инструментал диагностикасини тавсияларга кўра амалга ошириш, COVID-19 билан оғриган беморларда иммунитетни мустаҳкамлаш ва яллиғланишга қарши дори воситалари билан даволашни давом эттириш натижасида ўртача 650000 сўмдан 780000 сўмгача маблағ тежаб қолинди.

*иккинчи илмий янгилик:* илк бор COVID-19 инфекциясини кекса беморларда миокард инфарктининг сезиларли даражада миокарднинг олд деворини зарарланиши ва миокарди инфарктини Q тишчали шаклини ривожланишига тўғридан тўғри роли аниқланган. Бу ҳолат COVID-19 юрак тўқималарига мақсадли таъсири ва ишемик жароҳатларнинг ривожланишидаги роли мавжуд эканлиги исботланган. Бу илмий янгиликдан келиб чиққан ҳолда тавсия этилган таклифлар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 26 майдаги 9-сон баённома билан тасдиқланган «COVID-19 ва миокард инфаркти асоратлари профилактикасининг самарадорлиги» мавзусида услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 08-09/21266-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Тошкент шаҳрининг Миробод тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида 2024 йил 5 июндаги 41-сонли буйруқ ҳамда Бухоро вилоятининг Когон тумани тиббиёт бирлашмасида 2024 йил 14 январдаги 18/1-сонли буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19ни бошдан кечирган беморлар учун лаборатор диагностика ва даволаш ишларининг такомиллаштирилиши, шифокорларнинг халқаро тавсияларга мувофиқ ҳаракат қилиши орқали тиббиёт соҳасидаги профессионаллик даражаси ошиб, соғлиқни сақлаш тизими янада самарали бўлади. Муолажа ва диагностика жараёнлари сифатини ошириш аҳоли ўртасида соғлиқни сақлаш тизимига нисбатан ишончни мустаҳкамлайди, бу эса ўз навбатида профилактика чора-тадбирларига риоя қилиш даражасини оширади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Профилактик тадбирлар орқали беморлар ҳаётига хавф туғдирувчи асоратларни камайтириш, уларнинг шифокорларга қайта мурожаатлари ва клиникаларга такрорий ётқизилишлари сонини камайтириш билан тиббий хизмат кўрсатиш харажатларини 750000 сўмгача қисқартириш имконияти аниқланди.

*учинчи илмий янгилик:* COVID-19 ва миокард инфарктини бошдан кечирган кекса ёшли беморларда яллиғланиш ва гиперкоагуляция жараёнларининг б ойдан кейин ҳам сақланиб қолиши, касалликнинг асоратларини юзага келишида ва қайта реваскуляризацияга бўлган эҳтиёжнинг ортишида асосий сабабчиларидан бири бўлиб қолиши аниқланган бўлиб олинган барча таклифлар

ва тавсиялар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 26 майдаги 9-сон баённома билан тасдиқланган «COVID-19 ва миокард инфаркти асоратлари профилактикасининг самарадорлиги» мавзусида услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 08-09/21266-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Тошкент шаҳрининг Миробод тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида 2024 йил 5 июндаги 41-сонли буйруқ ҳамда Бухоро вилоятининг Когон тумани тиббиёт бирлашмасида 2024 йил 14 январдаги 18/1-сонли буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19ни бошдан кечирган беморларга нисбатан лаборатор диагностика ва даволаш усуллари янада такомиллаштириш, ҳамда шифокорларнинг халқаро клиник тавсияларга таянадиган ёндашуви тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга ва соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлигини кучайтиришга замин яратади. Диагностика ва муолажалар сифати юқори бўлиши аҳоли орасида тиббиётга бўлган ишончни ошириб, профилактик тадбирларга риоя этишга бўлган ёндашувни кучайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* Профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали беморларда ҳаёт учун хавfli асоратларнинг олдини олиш, шифокорларга такрорий мурожаатлар ва клиникага қайта ётқизилиш ҳолатларини камайтириш мумкин бўлиб, бу эса тиббий хизмат кўрсатиш харажатларини битта бемор учун тахминан 2000000 сўмгача камайтириш имконини беради.

*тўртинчи илмий янгилик:* COVID-19 фонида миокард инфаркти ривожланган беморларда клиник, лаборатор ва анамнез маълумотлари асосида индивидуал хавф даражасини баҳолаш ва босқичли кузатув ва даволаш чоралари илмий жиҳатдан асосланган бўлиб олинган барча таклифлар ва тавсиялар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 26 майдаги 9-сон баённома билан тасдиқланган «COVID-19 ва миокард инфаркти асоратлари профилактикасининг самарадорлиги» мавзусида услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 08-09/21266-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Тошкент шаҳрининг Миробод тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида 2024 йил 5 июндаги 41-сонли буйруқ ҳамда Бухоро вилоятининг Когон тумани тиббиёт бирлашмасида 2024 йил 14 январдаги 18/1-сонли буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 фонида миокард инфарктини бошдан кечирган беморларда хавф даражасини индивидуал баҳолаш ва гуруҳларга ажратиш орқали клиник асоратларнинг олди олиниб, шифокорга мурожаатлар ва такрорий госпитализациялар сони камаяди. Бу тиббий хизматлар юқини енгиллаштиради, аҳолида соғлиқни сақлаш тизимига ишончни оширади ва профилактикага риоя қилиш даражасини кучайтиради. Шу билан бирга, беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиб, иш қобилияти тикланади, бу эса ижтимоий самарадорликка хизмат

қилади. *Иқтисодий самарадорлиги*: COVID-19 фонида миокард инфарктини бошдан кечирган беморларда хавф даражасини индивидуал баҳолаш ва мос алгоритм асосида даволаш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин. Бир нафар бемор учун қайта госпитализация ҳолатларининг олдини олиш орқали 1500000 сўм, ортиқча лаборатор таҳлиллар ва дори-дармон харажатларини қисқартириш орқали яна 750000 сўм, инфарктдан кейинги кеч асоратлар (масалан, қайта реваскуляризация) эҳтиёжининг камайиши ҳисобидан эса 10 миллион сўм тежаш имкониятини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Умумий чоп этилган нашрлар 27 тани ташкил этади, диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 5 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қариш ва юрак қон-томир тизими касалликлари”** номли биринчи бобида уч кичик бўлимдан иборат бўлиб, кексаликнинг юрак қон-томир тизимига таъсири, юрак ишемик касаллигининг кекса ёшдаги аҳоли ўртасида тарқалиши, COVID-19нинг юрак ишемик касаллигининг ривожланишида тутган ўрни ҳақида мавжуд клиник тадқиқотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Беморларнинг клиник таснифи”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг асосий хусусиятлари, шунингдек изланишда қўлланиладиган диагностика ва тадқиқот усуллари тавсифи берилган. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун тадқиқотга 60 ёшдан катта бўлган 128 нафар бемор (55 аёл ва 73 эркак), уларнинг 68 нафари COVID-19 инфекцияси билан зарарланган ва 60 нафари зарарланмаган. Беморларнинг ўртача ёши  $67,8 \pm 6,0$  йилга тенг бўлди. Ретроспектив таҳлил усулида беморларнинг амбулатор карталари, анамнези ва лаборатор ҳамда инструментал

кўрсаткичлари ўрганилган. COVID-19 ва миокард инфарктининг ўзаро боғлиқлиги статистик жиҳатдан таҳлил қилинган. Шу билан бирга, юрак-қон томир хавф омиллари ва иккиламчи профилактикага йўналтирилган фармакотерапия таҳлил қилинди. 6 ойдан кейин касалликнинг якуний нуқталарига баҳо берилди, яъни ўлим кўрсаткичи, такрорий шифохонага ётқизилиши, такрорий шифокорларга мурожаати ва олиб борилган жарроҳлик амалиётлари. Тадқиқотлар Тошкент шаҳрининг Миробод туман тиббиёт бирлашмасида ўтказилди. COVID-19 оғирлик даражасининг ўпкага таъсири (енгил, ўрта оғир ва оғир турлари) баҳоланди. Беморларнинг антропометрик кўрсаткичлари, липид спектри, қон глюкозаси даражаси, буйрак функциялари, артериал босим, сатурация, юрак-қон томир тизими кўрсаткичлари ва депрессия ҳолати баҳоланди.


Тадқиқотда йиғилган барча маълумотлар статистик жиҳатдан таҳлил қилинди. Таҳлил жараёнида Microsoft Excel ва SPSS Statistics 26.0 дастурларидан фойдаланилди. Миқдорий кўрсаткичлар ўртача қиймат (M) ва стандарт оғиш ( $\pm SD$ ) кўринишида ифодаланди. Катта ва кичик гуруҳлар ўртасидаги фарқларни баҳолаш учун тақсимот табиатига қараб параметрик ва нопараметрик усуллар қўлланилди. Маълумотларнинг нормал тақсимотга мослигини аниқлаш учун Шапиро-Уилк тестидан фойдаланилди. Нормал тақсимот қайд этилган ҳолларда Студентнинг t-критерийи (икки гуруҳ орасида) ва бир факторли дисперсион таҳлил (ANOVA) (уч ва ундан ортиқ гуруҳлар учун) қўлланилди. Нормал тақсимотга мос келмайдиган кўрсаткичлар учун Манн-Уитни U-критерийлари қўлланилди. Сифатли (качестволи) маълумотлар (соний, фоизли)  $\chi^2$ -критерий (Пирсон) ва зарур ҳолларда Фишернинг аниқ тести ёрдамида баҳоланди. Барча таҳлилларда ишончлилик даражаси  $p < 0,05$  этиб белгиланди.



### 1. Расм. Текширув протоколи

Диссертациянинг “**Шахсий олинган натижалар**” номли 3 бобида МИ чалинган беморларнинг клиник ҳолатлари тўлиқ таҳлил қилинди. Олинган


натижаларга кўра, назорат гуруҳидаги беморларнинг 59% (n=40), асосий гуруҳидаги беморларнинг эса 51% (n=35) да етакчи симптом сифатида кўйдирувчи оғриқ қайд этилган. Асосий гуруҳда миокард инфарктининг ўзига хос клиник кўринишларидан бири бўлган нафас сиқиши 29,4% (n=13) беморларда кузатилди (назорат гуруҳига нисбатан ишонарли кўрсаткичда намоён бўлди (p<0,01)). Шунингдек, босувчи оғриқ иккала гуруҳда деярли бир хил даражада учраган: назорат гуруҳида 19% (n=13), асосий гуруҳда эса 15% (n=9). Миокард инфаркти шакли бўйича олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, асосий гуруҳда беморларнинг 58%ида (n=43) Q тишчали миокард инфаркти, 37%ида (n=25) эса Q тишчасиз шакли кузатилган. Назорат гуруҳида ҳам шунга яқин нисбат қайд этилган Q тишчали инфаркт 58% (n=38), Q тишчасиз инфаркт эса 37% (n=22) ҳолларда учраган. Олинган натижалар иккала гуруҳ ўртасида сезиларли фарқ йўқлигини кўрсатди. Миокард зарарланиш ўчоғининг жойлашувига кўра таҳлил натижалари, иккала гуруҳда ҳам чап қоринчанинг олд деворидаги шикастланиш ҳолатларининг кўп учраганини кўрсатди. Асосий гуруҳидаги беморларда олд девор миокард инфаркти 63% (n=43) ҳолатда, назорат гуруҳида эса 60% (n=36) ҳолатда қайд этилди. Чап қоринчанинг орқа девори миокард инфаркти эса асосий гуруҳда 36,8% (n=25), назорат гуруҳида эса 40% (n=24) ни ташкил қилди. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, COVID-19 инфекциясининг оғирлик даражаси ортишига параллел равишда Q-тишчали миокард инфарктининг учраш частотаси ҳам ошган. Жами 43 нафар Q-тишчали инфаркт қайд этилган беморлар орасида вируснинг ўрта оғир турини бошидан ўтказганлар 24 нафарни ташкил қилиб, бу 55,8 фоизни ташкил этган. Оғир турни ўтказган беморлар орасида эса 12 та ҳолат (27,9%) қайд этилган бўлса, енгил турда фақатгина 7 та беморда (16,3%) Q-тишчали инфаркт аниқланган. Шу билан бирга, жами 25 нафар Q-тишчасиз инфаркт ҳолатлари таҳлил қилинганда, вируснинг ўрта оғир турини бошидан кечирган беморларда 13 нафарида кузатилган бўлиб, бу 52 фоизни ташкил этган. Енгил турни ўтказган беморлар орасида 8 та ҳолат (32%) ва оғир турда эса 4 та ҳолат (16%) қайд этилган (2. расм).



**2. Расм. Миокард инфаркти клиник COVID-19нинг оғирлик даражасига кўра таҳлили (n,%)**

Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, COVID-19 инфекциясининг клиник оғирлик даражаси юқори бўлган беморларда

миокард инфарктининг Q-тишчали шакли устунлик қилади. Енгил турда эса Q-тишчасиз инфаркт кўпроқ учрайди. Бу эса инфекция оғирлашган сари миокард шикастланишининг чуқурлиги ва шиддати ортиб боришини тасдиқлайди.



Илова: \* $p < 0,05$  орқа МИ нинг олд девор МИ га нисбатан ишонarli кўрсаткичи

### 3. Расм. Миокард инфаркти клиник COVID-19нинг оғирлик даражасига кўра тахлили (n,%)

3.расмда келтирилган маълумотлар тахлили шуни кўрсатадики, миокард инфарктининг чап қоринчанинг олд деворида жойлашиши, айниқса вируснинг ўрта оғир ва оғир турларини бошдан кечирган беморлар орасида, орқа деворига нисбатан анча юқори учраган. Жумладан, вирус оғир кечган беморларда олд девор инфаркти 11 та ҳолатда (25,6%) қайд этилган бўлиб, бу орқа девор инфарктига нисбатан (4 та ҳолат, 16%) 36,3% юқори кўрсаткични ташкил этган. Вируснинг ўрта оғир тури билан зарарланган беморлар орасида эса олд девор инфаркти 26 та ҳолатда (60,5%) кузатилган бўлиб, орқа девор инфарктига (11 та ҳолат, 44%) нисбатан 42% юқори учраган. Енгил турини бошдан кечирган беморларда, аксинча, орқа девор инфаркти 10 та ҳолатда (44%) қайд этилган бўлиб, олд девор инфарктига (6 та ҳолат, 14%) нисбатан 60%га юқори бўлгани ва бу фарқ статистик жиҳатдан ишончли экани ( $p < 0,05$ ) аниқланди.

Биз текширувга жалб этган беморларимизнинг амбулатор карталарини тахлил қилар эканмиз уларда қуйидаги хасталиклар қайд этилганига гувоҳ бўлдик, бу касалликлар қуйидагилардан иборат эди: турғун стенокардия (ТС), артериал гипертония (АГ), сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ), қандли диабет (ҚД), семизлик (С) ва шунинг баробарида аритмиялар (А) ҳам. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, тадқиқотнинг ҳар икки гуруҳида артериал гипертония ушбу тоифа беморлар тахлил қилинганлар орасида энг кўп учраган, мос равишда 72% (n=49) ва 65% (n=39) ташкил этган. Кейинги ўринда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) қайд этилган бўлиб, мос равишда 51% (n=35) ва 52% (n=31) ҳолатларда учраган. Шунингдек, жадвалда турғун стенокардия 47% (n=32) ва 50% (n=30) назорат гуруҳида қайд этилган.

Олиб борилган тахлиллар натижасида турғун стенокардиянинг функционал синфлари бўйича беморларнинг тақсимида икки гуруҳ ўртасида сезиларли фарқ кузатилди. Асосий гуруҳдаги беморларнинг катта қисми- 62,5% (n=20)- ТС

ФС III синфига тўғри келган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 40% (n=12) ни ташкил этган. Ушбу фарқ статистик жиҳатдан ишончли бўлиб,  $p < 0,0001$  деб баҳоланган. ТС ФС II синфига тўғри келган беморлар улуши ҳам гуруҳлар кесимида фарқли бўлиб, асосий гуруҳда 31,2% (n=10), назорат гуруҳида эса 57% (n=17) ни ташкил этгани ва бу фарқ  $p < 0,001$  даражасида ишончли эканлиги аниқланган. ТС ФС IV синфи фақат асосий гуруҳда 2 нафар беморда (6,25%) кузатилган бўлиб, назорат гуруҳида бундай ҳолат қайд этилмаган. Тескари ҳолат ТС ФС I синфига тааллуқли бўлиб, у фақат назорат гуруҳида 1 нафар беморда (3,3%) аниқланган (1-жадвал).

## 1. Жадвал

### Беморларларда ТС нинг COVID-19нинг оғирлик даражасига кўра таҳлили

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ N=32					
	Енгил тури		Ўрта оғир тури		Оғир тури	
	N	%	N	%	N	%
ФС I (n=0)	0	0	0	0	0	0
ФС II (n=10)	1	10	7	70**** <sup>ooo</sup>	2	20
ФС III (n=20)	2	10	9	45****	9	45****
ФС IV (n=2)			1	50	1	50

Илова: \*\*\*\* $p < 0,0001$ ; \*\*\* $p < 0,001$  - ўрта оғир турнинг енгил турга, <sup>ooo</sup> $p < 0,001$  - оғир турга нисбатан ишончли фарқи.

1. Жадвал маълумотларига асосан, турғун стенокардиянинг юқори функционал синфлари билан COVID-19 клиник турлари ўртасидаги боғлиқлик аниқланган. Айниқса, ТС III ФС ҳолатлари вируснинг ўрта оғир тури билан хасталанган беморларда 45% (n=9) ҳолда учраган бўлиб, бу кўрсаткич енгил турдаги беморларга нисбатан 22% га юқори эканлиги аниқланган ( $p < 0,001$ ). Шу каби тенденция оғир турни бошдан кечирган беморларда ҳам қайд этилган ТС III ФС ҳолатлари 22% фарқ билан юқори бўлган ( $p < 0,001$ ). Бундан ташқари, ўрта оғир турдаги беморлар орасида ТС II ФС анамнези 70% ҳолда учраган бўлиб, бу кўрсаткич енгил турдаги беморларга нисбатан 14,2% га юқори ( $p < 0,0001$ ) эканлиги билан аҳамиятга эга. Жадвалдаги маълумотлардан яна бир муҳим хулоса шундаки, вируснинг ўрта ва оғир клиник турларида ТС I ФС умуман қайд этилмаган, яъни енгил формадаги клиник ҳолатдагина бу функционал синф аниқланган. Шу билан бирга, ҳар қанча кам миқдорда бўлса-да, IV ФСнинг учраши фақат ўрта (n=1;(50%)) ва оғир турдаги (n=1;(50%)) COVID-19 инфекциясини кечирган беморларда кузатилган. Бу ҳолат вирус оғирлиги ортиши билан юрак ишемик касаллигининг кечишида ҳам шиддатлилик ўсишини кўрсатади. Стенокардия хуружлари (СХ) ва нитроглицерин қабул қилишга оид таҳлиллар гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ кўрсатмади. Асосий гуруҳда СХ ўртача  $4,3 \pm 1,09$  ҳолатда, назорат гуруҳида эса  $3,9 \pm 1,0$  ҳолатда кузатилган. Нитроглицерин қабул қилиш кўрсаткичи асосий гуруҳда  $4,1 \pm 1,0$ , назорат гуруҳида эса  $3,7 \pm 0,96$  бўлган. Турғун стенокардия билан касалланган беморларда амбулатор даволаш тактикалари таҳлил қилинди. Ҳар икки гуруҳда ҳам стандарт антиангинал, антигипертензив, антиагрегант ва гиполипидемик дори воситалари қўлланган. Аммо дори танлаш, дозалаш ва қабул қилишда айрим

клиник хатоликлар аниқланган. Асосий гуруҳда нитроглицерин барча беморларга (100%, n=32) симптоматик мақсадда тайинланган (ўртача  $0,9 \pm 0,3$  мг/кун). Изосорбид мононитрат 90,6% (n=29) беморда  $50,2 \pm 6,7$  мг/кун миқдорда қабул қилинган бўлса, 9,4% (n=3) беморда у қўлланилмаган. Назорат гуруҳида бу препарат 80% (n=24) беморда  $30,5 \pm 5,6$  мг миқдорда тайинланган, 20% (n=6) эса қабул қилмаган. Бета-блокатор сифатида бисопролол асосий гуруҳда 90,6% (n=29) беморда  $6,3 \pm 2,4$  мг/кун миқдорда, назорат гуруҳида эса 83,3% (n=25) беморда  $6,2 \pm 2,5$  мг/кун миқдорда тайинланган. Қолган 16,7% (n=5) беморда дори умуман берилмаган. Небивалол ҳар икки гуруҳда мос равишда 18,7% ва 16,7% беморларда 5 мг/кун миқдорда қўлланган. Калций канал блокаторларидан амлодипин асосий гуруҳда 56,3% (n=18) беморда  $7,5 \pm 1,1$  мг/кун, назорат гуруҳда эса 50% (n=15) беморда  $5 \pm 0,9$  мг миқдорда қўлланган. Антиагрегант терапия таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги беморларнинг 56,3% (n=18) аспирин (75 мг/кун), қолган 43,7% (n=14) эса клопидогрел (75 мг/кун) қабул қилган. Назорат гуруҳда мос равишда аспирин 60% (n=18), клопидогрел эса 40% (n=12) беморда қўлланган. Бу кўрсаткичлар монотерапияга устуворлик берилганини кўрсатади. Иккилик антиагрегант терапия фақат эҳтиёж бўлган ҳолларда амалга оширилган. Гиполипидемик даволаш доирасида асосий гуруҳдаги беморларнинг 75% (n=24) аторвастатин (10 мг/кун), 25% (n=8) розувастатин (10 мг/кун) қабул қилган. Назорат гуруҳда эса аторвастатин 70% (n=21), розувастатин 30% (n=9) беморда қўлланган.

Тадақиқотимизда АГ ни даражалари бўйича тақсимланиши ҳолатини таҳлил қилдик. Олинган маълумотларга кўра, асосий гуруҳдаги беморларнинг 57% (n=28) да артериал гипертензиянинг 3-даражаси аниқланган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 28,2% (n=11) ҳолатда қайд этилган. Бу ҳолат COVID-19 ва миокард инфаркти билан касалланган беморларда жиддий асоратлар юзага келиши учун хавфли омил сифатида намоён бўлиши мумкин. АГнинг 2-даражаси асосий гуруҳ беморларида назорат гуруҳига нисбатан 52% га ( $p < 0,001$ ) кам учраган. Шунингдек, АГнинг 1-даражаси асосий гуруҳда 28% га ( $p < 0,05$ ) паст кўрсаткичга эга бўлган. Аммо АГнинг 3-даражаси бўйича асосий гуруҳ беморлари назорат гуруҳига нисбатан 49,5% га ( $p < 0,0001$ ) юқори кўрсаткичга эга эканлиги қайд этилди.

## 2. Жадвал

### Беморларларда АГ нинг COVID-19нинг оғирлик даражасига кўра таҳлили

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ N=49						P
	Енгил тури		Ўрта оғир тури		Оғир тури		
	N	%	N	%	N	%	
АГ1 (n=8)	2	25	4	50*	2	25	<0,001
АГ 2 (n=13)	3	23	4	31*	6	46 <sup>□</sup>	<0,05; <0,001
АГ 3 (n=28)	3	11	11	39*	14	50 <sup>□</sup>	<0,001; <0,001

Илова: \* ўрта оғир турини енгил турига нисбатан, <sup>□</sup>оғир турини енгил турига нисбатан ишонарли кўрсаткичи

Тадқиқот натижаларига кўра, COVID-19нинг ўрта оғир ва оғир турларида артериал гипертониянинг юқори даражалари тез-тез учраётгани аниқланди. Ўрта оғир турдаги беморлар орасида АГ II даражаси 31% (n=4), III даражаси 39% (n=11) ни ташкил қилган. Оғир ҳолатдаги беморларда эса мос равишда 46% (n=6) ва 50% (n=14) ҳолда қайд этилган. АГ билан хасталанган беморларда систолик ва диастолик босим кўрсаткичлари гуруҳлар бўйича фарқ қилган. Асосий гуруҳда САБ ўртача  $161,9 \pm 10,7$  мм.сим.уст., ДАБ -  $96,8 \pm 8,1$  мм.сим.уст. бўлган. Назорат гуруҳида эса САБ -  $148,5 \pm 6,2$  мм.сим.уст., ДАБ -  $88,1 \pm 9,1$  мм.сим.уст. Ушбу натижалар асосида, асосий гуруҳда САБ 9,4% га, ДАБ эса 10% га юқори эканлиги аниқланган. Амбулатор маълумотларга кўра, АҚБ назорати ҳар доим бажарилмаган. Асосий гуруҳда 17,6% (n=12), назорат гуруҳида 15% (n=9) бемор ҳар куни босимини назорат қилган. Шу билан бирга, асосий гуруҳдаги 8,8% (n=6) ва назорат гуруҳдаги 8,35% (n=5) бемор умуман назорат қилмаган. Кўп ҳолларда беморлар босимни фақат шикоят пайдо бўлганида ўлчашган.

АГ ни даволашда қўлланилган дори воситалари таҳлил қилинди. Асосий гуруҳда монотерапия 47% (n=23) беморда қўлланилиб, энг кўп ишлатилган препаратлар: эналаприл ( $10,0 \pm 0,0$  мг/кун), амлодипин ( $5,0 \pm 0,0$  мг), бисопролол ( $5,45 \pm 1,03$  мг), ва лозартан ( $50,0 \pm 0,0$  мг) бўлган. Назорат гуруҳида монотерапия 51% (n=20) беморда қайд этилган бўлиб, асосан амлодипин ( $5,0 \pm 0,0$  мг), эналаприл ( $10,0 \pm 0,0$  мг), ва бисопролол ( $5,0 \pm 0,0$  мг) ишлатилган. Индапамид асосий гуруҳда  $1,90 \pm 0,52$  мг/кун, назорат гуруҳида эса  $1,83 \pm 0,52$  мг/кун миқдорда қўлланган. Умуман олганда, дори воситаларининг танланиши ва дозалари айрим беморларда клиник тавсияларга тўлиқ мос келмаган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар икки гуруҳдаги беморлар касаллик тарихи жиҳатидан ўзаро ўхшаш бўлиб, жумладан, асосий гуруҳдаги беморлар COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган ва миокард инфарктигача бўлган даврда ҳам СЮЕ ташхиси қайд этилган. Асосий гуруҳда 68 нафар бемордан 35 нафарида (51,5%) СЮЕ қайд этилган бўлиб, уларнинг 14 нафарида (40%) 2-функционал синф (ФС), 21 нафарида (60%) эса 3-ФС кузатилган. Назорат гуруҳида 60 нафар бемордан 31 нафарида (52%) СЮЕ аниқланган бўлиб, шундан 3 нафарида (9,7%) 1-ФС, 17 нафарида (55,0%) 2-ФС ва 11 нафарида (35,5%) 3-ФС белгиланган. СЮЕ функционал синфларининг тақсимоти вирус билан зарарланишнинг клиник турларига кўра таҳлил қилинди.


СЮЕ II ФС бўлган 14 та бемордан 1 тада (7,1%) вируснинг енгил тури, 8 тада (57,1%) вируснинг ўрта оғир тури билан хасталанган беморларда, 5 тада (35,7%) эса оғир тури билан хасталанган беморларда СЮЕ қайд этилган. СЮЕ III ФС бўлган беморлардан 7 тада (33,3%) вируснинг ўрта оғир тури, 14 нафарида эса (66,7%; (p<0,05)) оғир тури билан хасталанган беморларда кузатилган. Енгил турида СЮЕ нинг бу клиник тури умуман қайд этилмаган. Ретропроспектив тадқиқот натижаларига кўра, 128 бемордан 88 (68,7%) нафарида ЭХОКГ текширув ўтказилган. Шулардан 40 (58,8%) таси 1-гуруҳ, 48 (80%) таси эса 2-гуруҳ беморларига тўғри келди. Олинган маълумотлар 1-гуруҳ беморларида отиш фракцияси (ОФ)  $40 \pm 1,5\%$  ни ташкил этган бўлса, 2-гуруҳда ушбу кўрсаткич  $43 \pm 1,5\%$  ни ташкил этиб, 1-гуруҳда 7,5% га паст эканлиги аниқланди.

Асосий гуруҳда систолик юрак етишмовчилиги (СЮЕ) 35 нафар беморда аниқ симптомлар асосида қайд этилган. Қолган 5 беморда эса клиник белгилари бўлмаган субклиник систолик дисфункция ҳолати кузатилган бўлиши мумкин. Шифокорлар томонидан амбулатор карталарда ташхис қайд этилмагани, эҳтимол, СЮЕ мезонларининг етарли эмаслиги билан изоҳланади. Бу ҳолат COVID-19дан сўнг юрак тўқималарида шикастланиш клиник белгисиз ҳам намоён бўлиши мумкинлигини ва субклиник систолик функция пасайиши амалиётда анча учрайдиган ҳолат эканини кўрсатади. Назорат гуруҳида ҳам шунга ўхшаш вазият кузатилган: ЭХОКГ натижаларига кўра, 48 беморда систолик функция камайган бўлса-да, СЮЕ фақат 31 беморда расман қўйилган. Қолган 17 нафарда клиник симптомлар бўлмагани ёки ташхис мезонлари етарли бўлмагани сабабли СЮЕ қайд этилмаган. Юрак етишмовчилиги бўлган беморлар орасида дори воситаларининг қўлланилиши бўйича таҳлил шундай натижани кўрсатди: Европа ва Россия кардиологик жамиятлари тавсия қилган препаратлар назорат гуруҳида фақат 43% (n=26), асосий гуруҳда эса 44% (n=33) беморда қўлланган.

Юрак етишмовчилигини даволашда ҳар икки гуруҳда ҳам асосий терапевтик воситалар сифатида диуретиклар,  $\beta$ -блокаторлар, РААС ингибиторлари ва минералокортикоид рецептор блокаторлари (МРБ) ишлатилган. Асосий гуруҳда бисопролол 86% (n=30) беморда  $5,3 \pm 1,3$  мг/кун миқдорда қўлланилган. Диуретиклардан фуросемид 71% (n=25) беморга  $40,4 \pm 9,5$  мг/кун миқдорда, спиронолактон эса 57% (n=20) беморда  $50,4 \pm 3,0$  мг/кун миқдорда тайинланган. Назорат гуруҳида мос равишда бисопролол 81% (n=25) беморда  $4,9 \pm 0,9$  мг, фуросемид 65% (n=20) беморда  $26,9 \pm 7,2$  мг, спиронолактон эса 58% (n=18) беморда  $49,5 \pm 2,5$  мг миқдорда қўлланган. Эплеренон, асосий гуруҳда фақат 17% (n=6), назорат гуруҳида эса 13% (n=4) беморга тайинланган бўлиб, ўртача миқдорда мос равишда  $49,6 \pm 0,4$  мг ва  $49,6 \pm 0,3$  мг ни ташкил этган. Диуретиклардан торасемид асосий гуруҳда 34% (n=12) беморда  $9,7 \pm 2,3$  мг/кун, назорат гуруҳда 32% (n=10) беморда  $9,5 \pm 1,8$  мг/кун миқдорда қўлланган. РААС ингибиторларидан эналаприл асосий гуруҳда 63% (n=22) беморда  $11,0 \pm 0,0$  мг, лозартан эса 51% (n=18) беморда  $50,6 \pm 10,7$  мг миқдорда тайинланган. Назорат гуруҳида мос равишда эналаприл 65% (n=20) ( $10,0 \pm 0,0$  мг), лозартан 52% (n=16) ( $52,1 \pm 9,4$  мг) миқдорда қўлланган. Сакабутрил/валсартан каби замонавий препаратлар нисбатан кам қўлланган, асосий гуруҳда 29% (n=10), назорат гуруҳида эса 26% (n=8) беморда. Уларнинг ўртача кунлик миқдори мос равишда  $98,7 \pm 16,1$  мг ва  $102,6 \pm 14,3$  мг ни ташкил этган. Бу ҳолат замонавий тавсияларга тўлиқ амал қилинмаётганини кўрсатади. Дигоксин тахиаритмия ва ритм бузилишлари бўлган беморларда ишлатилган: асосий гуруҳда 43% (n=15), назорат гуруҳида 42% (n=13) беморда, ўртача кунлик миқдори  $1,25 \pm 0,2$  мг бўлган.

Миокард инфаркти қайд этилмасдан олдин, ҳар иккала гуруҳдаги беморларда ҳаёт учун хавф туғдирувчи аритмиялар аниқланмаган. Кузатилган аритмиялар асосан енгил шаклда бўлиб, синусли брадикардия, синусли тахикардия, синусли аритмия, қоринчалар экстрасистолиясининг 1-градацияси

ва 1-даражали атриовентрикуляр (АВ) тўсиқ ҳолатларидан иборат бўлган. Асосий гуруҳдаги 68 нафар бемордан 39 нафарида (57,4%) турли хил аритмиялар аниқланган. Жумладан, синусли тахикардия 16 беморда (41%), синусли брадикардия 4 беморда (10%), синусли аритмия 4 беморда (10%), қоринчалар экстрасистолиясининг 1-градацияси 10 беморда (26%), 1-даражали атриовентрикуляр (АВ) тўсиқ 4 беморда (10%), ва Гис тутами ўнг оёқчаси тусиғи 1 беморда (2,6%) қайд этилган (4.расм).



Илова:\*p<0,05 гуруҳлараро ишонарли кўрсаткичи

#### 4. Расм. Юрак аритмияларининг гуруҳлараро тақсимоти (%)

Назорат гуруҳдаги 60 та бемордан 29 нафарида (48,3%) аритмиялар кузатилган. Улар орасида синусли тахикардия 10 беморда (34,5%), синусли брадикардия 2 беморда (6,9%), синусли аритмия 6 беморда (20,7%), қоринчалар экстрасистолиясининг 1-градацияси 6 беморда (20,7%), 1-даражали АВ тўсиқ 5 беморда (17%) ва аниқланган (3.3.3.расм). Олинган маълумотларга кўра, асосий гуруҳда (n=68) кўп компонентли (3-4 хасталикли) касаллик комбинациялари юқори учраган, жумладан: АГ+А+ТС-25% (n=17), АГ+А+СЮЕ- 22% (n=15), АГ+С+ҚД+СЮЕ-13% (n=9). Назорат гуруҳида (n=60) эса бу кўрсаткичлар бироз пастроқ, аммо ўхшаш тенденция сақланган: АГ+А+ТС- 22% (n=13), АГ+А+СЮЕ-20% (n=12), АГ+С+ҚД+СЮЕ-15% (n=9). Ҳар икки гуруҳда ҳам ТС+С ва АГ+ҚД комбинациялари камроқ учраган, бу икки хасталикнинг жамланма таъсири камроқ эканини кўрсатади.

### 3.Жадвал

#### Коморбидлик ҳолатларининг COVID-19нинг оғирлик даражасига кўра таҳлили

Коморбидлик тури	Енгил тури (n=16)	Ўрта оғир тури (n=37)	Оғир тури (n=15)	P
2-компонентли	8 (50,0%)	4 (10,8%)	0 (0%)	<0,05
3-компонентли	6 (37,5%)	15 (40,5%)	11 (73,3%)	<0,05
4-компонентли	0 (0%)	6 (16,2%)	3 (20,0%)	
Монокомпонентли	2 (12,5%)	12 (32,4%)	1 (6,7%)	<0,05

Илова:оғир турдаги 3-компонентли коморбидлик ҳолатларни ўрта оғир ва енгил турдаги гуруҳларга нисбатан ишонарли кўрсаткич (<0,05), ўрта оғир турини енгил ва оғир турига нисбатан ишонарли кўрсаткич (<0,05).

Тадқиқотда қатнашган 68 бемордан 53 нафарида икки ва ундан ортиқ хасталиклар комбинацияси қайд этилди. Уларнинг 9 нафарида (13,2%) тўртта хасталик (артериал гипертония, семизлик, қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги), 32 нафарида (47,0%) учта ва 12 нафарида (17,6%) икки компонентли коморбид ҳолатлар кузатилди. Монокомпонентли (фақат битта хасталик) ҳолатлар 15 нафар беморда (22,1%) учраган. COVID-19нинг оғир турида 3-компонентли коморбидлик ҳолати 73,3% (n=11) беморда кузатилган бўлиб, бу кўрсаткич ўрта оғир турда 40,5% (n=15), енгил турда эса 37,5% (n=6) ни ташкил этган ( $p<0,05$ ). 2-компонентли ҳолатлар асосан енгил турда (50,0%, n=8) учрагани, ўрта оғир турда эса 10,8% (n=4) дан ошмагани билан ишончли фарқ кўрсатган ( $p<0,05$ ). Умуман, таҳлил натижалари шундан далолат бермоқдаки, COVID-19нинг оғир кечиш хавфи кўп компонентли коморбидлик ҳолатлари ортиши билан бевосита боғлиқ. Бу эса, айниқса, 3 ва 4 касалликка эга беморларга индивидуал ёндашув талаб этилишини англатади.

#### 4.Жадвал

##### Миокард инфаркти билан оғриган беморларда қоннинг умумий таҳлили натижалари

Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ N=68	Назорат гуруҳи N=60	P
Эритроцитлар ( $\times 10^{12}/л$ )	4,0 $\pm$ 0,85	4,2 $\pm$ 1,0	
Гемоглабин (г/л)	118 $\pm$ 10,0	123 $\pm$ 12,8	
Лейкоцитлар ( $\times 10^9$ бирлик/л)	9,9 $\pm$ 3,7	7,75 $\pm$ 1,8	< 0,01
ЭЧТ (мм\соат)	18,7 $\pm$ 3,8	14,8 $\pm$ 5,06	< 0,01

4.-жадвалда берилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида маълум бўлишича, асосий гуруҳдаги беморларда умумий қон таҳлилида лейкоцитлар миқдори назорат гуруҳига нисбатан 28% га юқори бўлиб, ушбу фарқ статистик жиҳатдан ишончли ( $p<0,01$ ) деб топилган. Бундан ташқари, асосий гуруҳдаги гемоглобин даражаси назорат гуруҳидаги беморларникига нисбатан паст бўлгани аниқланган. Эритроцитлар миқдори бўйича гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ қайд этилмаган бўлса-да, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) кўрсаткичида аҳамиятли фарқ кузатилган. Хусусан, асосий гуруҳда ЭЧТ кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 26,3% га юқори бўлиб, бунда  $p<0,001$  даражасида ишончли натижа қайд этилган. Коагулограмма кўрсаткичлари таҳлилида ҳам ўзига хос лаборатор ўзгаришлар кузатилди. Гарчи протромбин индекси (ПТИ) кўрсаткичи бўйича асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқ аниқланмаган бўлса-да, фибриноген ҳамда халқаро нормаланган нисбат (ХНН) кўрсаткичлари бўйича ишончли статистик фарқ кузатилган. Таҳлил натижаларига кўра, фибриноген миқдори асосий гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳига нисбатан 23% га юқори бўлиб, бу  $p<0,01$  даражасида аҳамиятли ҳисобланади. Шунингдек, ХНН кўрсаткичи ҳам асосий гуруҳда 33,3% га баланд бўлиб,  $p<0,05$  даражасида ишончли фарқ қайд этилган. Постковид жараёнида ривожланган миокард инфарктида ХНН даражасининг 2,8 $\pm$ 0,75 бўлиши, бу

беморда аввал тайинланган антикоагулянт терапиянинг фармакологик таъсири ҳали ҳам сақланаётгани билан тушунтириш мумкин.

## 5.Жадвал

### Миокард инфаркти билан оғриган беморларнинг биокимёвий текширувлар таҳлили натижалари

Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ N=68	Назорат гуруҳи N=60	P
Умумий холестерин (ммоль/л)	6,4±1,3	5,6±1,04	< 0,01
АЛТ (бирлик/л)	34,7±18	32,8±18,2	
АСТ(бирлик/л)	39,2±20,8	34,4±1,5	
Креатинин (ммоль/л)	108±28,4	94±20,0	< 0,01
Мочевина (ммоль/л)	8,2±2,4	7,6±2,1	
Қанд миқдори (ммоль/л)	6,5±1,8	6,5±1,8	
СРО (мг/л)	16,5±6,1	13,4±4,3	< 0,01

5-жадвал маълумотларига кўра, ҳар икки гуруҳда ҳам умумий холестерин миқдори меъёрдан юқори бўлган: асосий гуруҳда -  $6,4 \pm 1,3$  ммоль/л, назорат гуруҳда -  $5,6 \pm 1,04$  ммоль/л. Қон глюкозаси, мочевино, АЛТ ва АСТ даражаларида гуруҳлар орасида сезиларли фарқ кузатилмади. Бироқ, С-реактив оксил (СРО) ва креатинин миқдори бўйича ишончли тафовут қайд этилди: асосий гуруҳда СРО 23% га, креатинин эса 11,5% га юқори бўлган ( $p < 0,01$ ). Д-димер кўрсаткичи барча беморларда ўлчанмаган бўлса-да, мавжуд 45 та натижа таҳлил қилинди. Улардан 9% енгил турга, 64,4% ўрта оғир турга ва 27% оғир турга тўғри келган. Умумий гуруҳда D-димернинг ўртача қиймати  $3,0 \pm 0,4$  мкг/мл ни ташкил этди. Енгил турдаги беморларда у меъёрга яқин ( $0,45 \pm 0,05$  мкг/мл), ўрта оғир турда  $1,9 \pm 0,1$  мкг/мл ( $p < 0,001$ ), оғир турда эса  $5,4 \pm 0,6$  мкг/мл бўлиб, бу енгил турга нисбатан 10 баробар, ўрта оғир турга нисбатан эса 2,8 баробар юқори эканлиги аниқланди ( $p < 0,0001$ ). Келтирилган маълумотлар асосий гуруҳ беморларида депрессия ҳолатининг кўп тарқалганлигини кўрсатди ( $n=43:(63\%)$ ). Бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан ишонарли равишда 45% га ( $p < 0,0001$ ) юқори эканлиги тадқиқот натижаларида ўз тасдиғини топди. Юритилган тадқиқотимиз натижаларига кўра, депрессия муҳим хавф омилларидан бири сифатида қайд этилди. Бир томондан, бу ҳолат янги коронавирус инфекцияси билан касалланиш фонида ривожланиб, асоратлар кўламнинг катталиги ва юқори ўлим хавфи билан боғлиқ эканлиги таъкидланди. Иккинчидан, ушбу инфекция фонида миокард инфарктининг юзага келиш ҳолатлари билан узвий алоқадорлиги қайд этилди. Назорат гуруҳи беморлари орасида хавф омиллари ичида тўғри овқатланмаслик 48% ( $n=29$ ) кўрсаткич билан етакчилик қилди, бу кўрсаткич асосий гуруҳга нисбатан ишонарли равишда 45% га ( $p < 0,001$ ) юқори эканлиги қайд этилди. Кекса ёшдаги беморларда бу кўрсаткичнинг юқори даражада бўлиши жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

## 6. Жадвал


### Миокард инфаркти билан оғриган беморларда хавф омилларини COVID-19нинг оғирлик даражасига кўра тахлили

Кўрсаткичлар	Енгил тури		Ўрта оғир тури		Оғир тури	
	N	%	N	%	N	%
Депрессия (n=43)	9	21	19	44***	15	35**°
Гиподинамия (n=20)	5	25	7	35**	8	40****°
Семизлик (n=32)	8	25	11	34**	13	41****°
Спиртли ичимликларни қабул қилиш (n=16)	3	19	8	50*****	5	31**°°
Тўғри овқатланмаслик (n=20)	7	35	6	30	7	35
Тамаки чекиш(n=11)	2	18	3	27**	6	54,5***** °°°°

Илова: \*\*  $p < 0,01$ , \*\*\*  $p < 0,001$  енгил турига нисбатан; °  $p < 0,05$ , °°  $p < 0,01$ , °°°°  $p < 0,0001$  ўрта оғир тури ва оғир тури ўртасидаги ишонarli кўрсаткич

Олиб борилган тахлиллар натижасида COVID-19 инфекциясининг оғирлик даражалари ва айрим клиник-психологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланди. Хусусан, депрессия ҳолати енгил кечаётган беморлар орасида 28 тадан 6 нафарида (21%), ўрта оғир турдаги 34 бемордан 15 нафарида (44%) ва оғир ҳолатдаги 20 бемордан 7 нафарида (35%) қайд этилди. Ўрта оғир турдаги кўрсаткич енгил ва оғир турга нисбатан ишончли юқори эканлиги аниқланди ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,05$ ). Гиподинамия оғир турда 8 беморда (40%), ўрта оғирда 12 нафарда (35%) ва енгил турда 7 нафарда (25%) кузатилган бўлиб, оғир турдаги фарқ  $p < 0,001$ , ўрта оғир турдаги фарқ  $p < 0,01$  даражасида аҳамиятли деб топилди. Семизлик (С) оғир турда 9 беморда (41%), ўрта оғирда 12 (34%) ва енгил турда 7 (25%) беморда қайд этилган. Оғир тур билан енгил тур ўртасида ( $p < 0,001$ ), ҳамда ўрта оғир тур билан ( $p < 0,05$ ) фарқ мавжуд. Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш энг кўп ўрта оғир турда (17 нафар, 50%) қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич оғир турда 6 (31%) ва енгил турда 5 (19%) беморни ташкил этган. Фарқлар мос равишда  $p < 0,0001$  ва  $p < 0,01$  даражасида аҳамиятли. Тамаки чекиш оғир турда 11 беморда (54,5%), ўрта оғир турда 9 (27%) ва енгил турда 5 (18%) беморда кузатилган. Бу фарқлар ҳам статистик жиҳатдан ишончли ( $p < 0,0001$ ). Тўғри овқатланмаслик эса барча гуруҳларда (30-35%) бир хил даражада учраб, фарқлар аҳамиятсиз деб топилди.

Олиб борилган тахлиллар натижалари шундан далолат берадики, миокард инфарктидан кейинги асоратлар асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан анча юқори учраган. Жумладан, ўпка шиши ҳолати асосий гуруҳда 10 нафар беморда (14,7%) аниқланган бўлса, назорат гуруҳида бу ҳолат фақат 2 нафар беморда (3,3%) кузатилган. Аниқланган фарқ статистик жиҳатдан ишонarli деб топилди ( $p < 0,05$ ). Шунингдек, кардиоген шок ҳолати ҳам асосий гуруҳда нисбатан кўпроқ -6 беморда (8,8%) қайд этилган бўлиб, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 2 нафар бемор (3,3%) ни ташкил этди. Ушбу натижалар COVID-19 инфекцияси асорати сифатида миокард инфаркти клиник манзарасининг оғир кечиши ва эрта асоратлар хавфининг юқорилигини кўрсатади. (5.расм).



Илова: \* $p < 0,05$  гуруҳлараро ишонarli кўрсаткич

### 5. Расм. Миокард инфаркти асоратлари таҳлили

Асосий гуруҳда 4 нафар беморда (6%) ва назорат гуруҳида 1 нафар беморда (2%) ўлим ҳолатлари қайд этилди. Ҳар бир беморнинг касаллик тарихи, клиник ва лаборатор-инструментал маълумотлари таҳлил қилиниб, ўлим қайд этилган ҳолатларда жиддий патологик ўзгаришлар мавжуд бўлгани аниқланди. Чуқур таҳлил натижасига кўра, асосий гуруҳдаги ўлим сабаблари қуйидагича тақсимланди: 2 нафар беморда (50%) ўпка шиши, 1 нафарда (25%) бош мия инсулти ва яна 1 нафарда (25%) ўпка тромбоэмболияси. Назорат гуруҳидаги ягона ўлим ҳолати эса ўпка шиши билан боғлиқ бўлган. Беморларнинг касаллик тарихини ўрганар эканмиз, ўлим кузатилган асосий беморлар гуруҳида клиник ва лаборатор-инструментал текширувлар натижаси жиддий ўзгаришларга эга эканлиги маълум бўлди.

Олинган маълумотларга кўра, асосий гуруҳдаги беморларда атрио-вентрикуляр (АВ) тўсиқлар 29% ( $n=7$ ) ҳолатда, назорат гуруҳида эса 23% ( $n=3$ ) ҳолатда кузатилди. Асосий гуруҳда энг кўп II даражали АВ тўсиқ (Мобитц II) (42,9%) қайд этилган бўлиб, III даража - 28,6%, I ва II (Мобитц I) даражалар ҳар бири 14,3% ни ташкил этган. Назорат гуруҳида ҳар бир тоифа бўйича биттадан ҳолат аниқланган. Қорончалар устки тхикардияси хужими (ҚУТХ) асосий гуруҳда 8% ( $n=2$ ), назоратда эса 23% ( $n=3$ ) ни ташкил этган. Қорончлар а экстрасистолияси (ҚЭ) эса ўрта оғир турдаги беморларда 40% ( $n=2$ ) ҳолатда 2-градацияли ва 60% ( $n=3$ ) ҳолатда 3-градацияли бўлган. Ҳаёт учун хавфли бўлган бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) умумий ҳолатларнинг 21% ( $n=5$ ) ни ташкил этди: тахисистолик - 60%, брадисистолик - 20% ва нормосистолик - 20%. Назорат гуруҳида эса 23% ( $n=3$ ) ҳолат аниқланиб, тахисистолик тури 67% ( $n=2$ ), брадисистолик тури 33% ( $n=1$ ) ни ташкил этган. Эътиборга молик жиҳати шундаки, БФ турлари стационардан чиқишда кўпроқ қоринча қисқаришлар сонига асосланган ҳолда (тахисистолик, нормосистолик, брадисистолик) баҳоланган. Бу амалиётда даволаш тактикаси (тахи-, бради- ёки нормокардия)

учун муҳим мезон ҳисобланади. Шу сабабли, бундай ёндашув стационар шароитида тўғри деб ҳисобланиши мумкин. Бошқа классификациялар (пароксизмал, персистент, перманент) эса узоқ муддатли кузатувларга асосланади. Таҳлил натижаларига кўра, COVID-19 клиник турлари бўйича юрак аритмияларининг тарқалишида сезиларли фарқлар кузатилди. Жами 7 беморда АВ тўсиқлар аниқланган: уларнинг 5 нафари (71%) оғир турда, 1 нафардан (14%) ўрта оғир ва енгил турларда қайд этилган. Оғир турдаги ҳолатлар енгил ва ўрта оғир турларга нисбатан ишончли юқори ( $p < 0,0001$ ) эканлиги маълум бўлди. Бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) жами 5 нафар беморда қайд этилган бўлиб, улардан 3 нафари (60%) оғир турда, 2 нафари (40%) ўрта оғир турдаги беморлар сирасига тўғри келган. Енгил турда БФ ҳолатлари кузатилмаган. Оғир ва ўрта оғир турлар ўртасида БФ учраш частотаси бўйича фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли деб топилиб,  $p < 0,001$  даражасини ташкил этди. Қоринча тахикардияси хужми (ҚТХ) эса 4 беморда аниқланган. Уларнинг 2 нафари (50%) оғир турда, 1 нафардан (25%) эса ўрта оғир ва енгил турдаги беморларга тўғри келган. ҚТХ ҳолатлари оғир турда ўрта оғир ва енгил турларга нисбатан сезиларли фарқ ( $p < 0,001$ ) билан учраган. Қолган аритмия турлари қоринчалар экстрасистолияси (ҚЭ), қоринча устки экстрасистолияси (ҚУЭ) ва қоринчалар устки тахикардияси хужми (ҚУТХ) орасида статистик фарқ кузатилмади.

Миокард инфарктини бошдан кечиргандан сўнг, ҳар иккала гуруҳда ҳам СЮЕ билан оғриган беморлар сони ортди ва юрак етишмовчилигининг юқори функционал синфларига мансуб ҳолатлар қайд этила бошланди.

СЮЕ умумий	35	40	31	34
2-ФС	14	16	17	19
3-ФС	21	*	11	15
	Асосий (олдин)	Асосий (кейин)	Назорат (олдин)	Назорат (кейин)

Илова: \* $p < 0,05$  гуруҳлараро ишонарли кўрсаткич асосий гуруҳни назорат гуруҳига нисбатан

### 6. Расм. СЮЕ нинг гуруҳлараро тақсимоти (n,%)

Миокард инфарктдан кейинги таҳлиллар СЮЕ тарқалишида сезиларли ўсиш борлигини кўрсатди. Асосий гуруҳда СЮЕли беморлар сони 35 нафардан 40 нафарга (58,8%) кўпайди. Шу билан бирга, 2-функционал синф (ФС) 16 нафарга (40,0%), 3-ФС эса 24 нафарга (60,0%) етди. Бу юрак фаолиятидаги пасайиш ва клиник ҳолат оғирлашгандан далолат беради. Назорат гуруҳида ҳам СЮЕли беморлар сони 31 нафардан 34 нафарга (56,7%) ортган. Бу гуруҳда 1-ФС аниқланмаган, 2-ФС 19 нафар (55,9%) ва 3-ФС 15 нафар (44,1%) ҳолатда қайд

этилган. Таърифланган ўзгаришлар ҳар икки гуруҳда функционал ҳолатнинг ёмонлашганини кўрсатса-да, асосий гуруҳда 3-ФС кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 60% юқори эканлиги статистик жиҳатдан ишончли деб топилди ( $p < 0,05$ ). 1-ФС ҳолатининг тўлиқ йўқолиши ва 3-ФС сонининг ортиши юрак етишмовчилигининг инфарктдан кейинги оғирлашувини тасдиқлайди. Ушбу динамика COVID-19 ни бошдан кечирган беморларда СЮЕнинг тезроқ ва кучлироқ ривожланишини акс эттиради (6.расм).

Диссертациянинг **“Миокард инфарктига чалинган беморларни узоқ кузатув босқичидаги натижалари”** номли 4 бобида 6 ойлик кузатув натижалари кўрсатилган. 6 ойлик кузатув давомида беморлар сони қисқарган бўлиб, бу ҳолат диссертациянинг 3-бобида келтирилган маълумотлар билан изоҳланади. Хусусан, миокард инфарктдан зарарланишнинг дастлабки 3 куни мобайнида асосий гуруҳда 4 нафар (6%) ва назорат гуруҳида 2 нафар (2%) беморда ўлим ҳолатлари қайд этилган. Мазкур клиник ҳолатлар натижасида кузатувнинг кейинги босқичида асосий гуруҳдаги беморлар сони 64 нафарни, назорат гуруҳида эса 59 нафарни ташкил этди. Таҳлил натижаларига кўра, асосий ва назорат гуруҳларида коагулологик кўрсаткичлар 6 ой давомида сезиларли даражада ўзгаргани кузатилди. Унга кўра, фибриноген миқдори асосий гуруҳда дастлабки кўрсаткичларга кўра 22,9% ( $p < 0,01$ ) га, назорат гуруҳида эса 23,1% ( $p < 0,05$ ) га пасайди. 6 ойлик кузатув натижаларига кўра, ҳар икки гуруҳда ҳам фибриноген миқдорининг камайиши яллиғланиш жараёнларининг секинлашиши билан боғлиқ деб баҳоланади. Шу билан бирга, 6 ой ўтгач ҳам асосий гуруҳда фибриноген даражаси назорат гуруҳига нисбатан 23,3% га юқори бўлиб қолгани, COVID-19 инфекциясини ўтказган беморларда яллиғланиш ва гиперкоагуляция жараёнлари узоқ давом этиши мумкинлигини кўрсатади. Протромбин индекси (ПТИ) кўрсаткичида ҳам икки гуруҳда пасайиш тенденцияси қайд этилди: асосий гуруҳда 5,6%, назорат гуруҳида эса 4,8% камайган. 6 ойдан сўнг ПТИ кўрсаткичи асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 5% га юқори бўлган. Халқаро нормаланган нисбат (ХНН) бўйича ҳам пасайиш кузатилган: асосий гуруҳда 14,3%, назорат гуруҳида 9,5%. Шунга қарамасдан, 6 ойдан кейин ХНН кўрсаткичи асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 26,3% ( $p < 0,05$ ) га юқори сақланган. Бу билан бирга, ХНН даражасининг умумий пасайиши асосий гуруҳда қон ивиш тизимининг барқарорлашуви ва терапия самарадорлигини акс эттиради. Узоқ муддатли кузатув давомида асосий гуруҳ беморларида биокимёвий кўрсаткичлар бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмаганини кўрсатади. Хусусан, умумий холестерин, АЛТ, АСТ, С-реактив оқсил (СРО), мочевина, креатинин ҳамда глюкоза даражалари бўйича аниқ яхшиланиш қайд этилмади. Шу билан бирга, назорат гуруҳида айрим кўрсаткичларда ижобий динамика кузатилди: хусусан, қондаги мочевина даражаси кузатув бошига нисбатан 19% га ( $p < 0,01$ ), глюкоза даражаси эса 25% га ( $p < 0,01$ ) пасайгани аниқланган. Бу натижалар назорат гуруҳида қон биокимёсидаги айрим ўзгаришлар терапия самарадорлигини акс эттирганини кўрсатади. Қоннинг умумий таҳлили эритроцитлар, гемоглобин, лейкоцитлар ва ЭЧТ кўрсаткичлари бўйича ҳар иккала гуруҳда ҳам дастлабки кўрсаткичларга

нисбатан ишонarli ижобий динамика кузатилмади. Асосий гуруҳ беморларида яллиғланиш жараёнининг сақланиб қолганини қон таҳлили ҳам кўрсатди. Лейкоцитлар сони асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 25% ( $p<0,01$ ) га юқори бўлди, шунингдек, ЭЧТ ҳам 32% ( $p<0,01$ ) га юқори бўлди. Бундан ташқари, асосий гуруҳ беморларининг қондаги гемоглобин миқдори назорат гуруҳидагиларга нисбатан 6% га паст бўлди. Узок кузатув жараёнида, асосий гуруҳ беморларида ЭХОКГ текшируви беморларнинг асосий гуруҳида 40 тасида, назорат гуруҳида эса 34 тасида амалга оширилган ва бунда чап қоринча отиш фракцияси бўйича сезиларли ижобий динамика кузатилмади. Назорат гуруҳидаги беморларда асосий гуруҳ беморларига нисбатан отиш фракцияси 9% га юқори бўлди (2-гуруҳда  $47 \pm 5,4\%$  ва 1-гуруҳда  $43 \pm 4,4\%$ ).

ЮҚТ хасталигини келтириб чиқарувчи хавф омилларини бартараф этиш билангина, биз миокард инфарктидан кейинги жараёнда сурункали юрак етишмовчилиги, қайта госпитализация, юрак аритмиялари ва шунга ўхшаш бир қатор жиддий клиник ҳолатларнинг камайишига эришишимиз мумкин. Аммо клиник амалиётда бу омилларга эътибор сустигила қолмоқда. Бизнинг ҳам илмий тадқиқот изланишимизда ана шу ҳолатлар ўз исботини топди десак муболаға бўлмайди.

## 7. Жадвал

### Миокард инфаркти билан оғриган беморларда хавф омиллари таҳлили

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ N=68		Назорат гуруҳи N=60	
	N=64		N=59	
	N	%	N	%
Депрессия	43	63	20	33
	56	87,5**°	12	20,3°
Гиподинамия	20	29,4	18	30
	28	44*°	11	19°
Семизлик	31	46	28	47
	29	48,4	19	30
Спиртли ичимликларни қабул қилиш	16	23	14	23
	5	8,0*°	7	12°
Тўғри овқатланмаслик	20	34	29	48
	10	16*°	19	29°
Тамаки чекиш	11	16	15	25
	2	3,1**°	8	13,5°

Илова: \*  $p<0,05$ ; \*\*  $p<0,01$ ; гуруҳлараро ишонarli кўрсаткич, °  $p<0,05$ ; °°  $p<0,01$  дастлабки кўрсаткичга нисбатан ишонarli кўрсаткич, суръатида дастлабки кўрсаткич, махражида 6 ойдан кейинги кўрсаткич.

Олинган маълумотларга кўра, асосий гуруҳ беморларида узок кузатув жараёнида депрессия ҳолати дастлабки кўрсаткичга нисбатан 30% га ( $p<0,01$ ), назорат гуруҳига нисбатан эса 21,4% га ( $p<0,01$ ) юқори (7.жадвал).


Асосий гуруҳ беморларида гиподинамия ҳолати дастлабки

кўрсаткичларга кўра ортиб борди, яъни дастлабки кўрсаткичга нисбатан 40% ( $p < 0,05$ ) юқоридир. Назорат гуруҳида гиподинамия ҳолати 19% беморларда учради, бу дегани дастлабки кўрсаткичга нисбатан 61% га ( $p < 0,05$ ) кам, асосий гуруҳ беморларига нисбатан эса 39,2% га ( $p < 0,05$ ). Асосий гуруҳ беморларида гиподинамия хавф омилининг ортиб бориши уларда юқори фоизда қайд этилган депрессия ҳолати билан боғлиқлиги аниқланди. Иккала гуруҳ беморларида тана вазнини назорат қилиш суст бўлиб, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ижобий силжиш бўлмаганлигининг гувоҳи бўлди. Шу билан бирга, иккала гуруҳ беморларида спиртли ичимликларни қабул қилувчи беморлар сони дастлабки кўрсаткичларга нисбатан камайган ( $p < 0,05$ ), лекин спиртли ичимликларни қабул қилувчи беморларнинг сони асосий гуруҳ беморларида назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан ишонарли равишда камайган, яъни 40% ни ( $p < 0,05$ ) ташкил этган. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, иккала гуруҳ беморлари бу хавф омилидан буткул воз кечмаганлар. Асосий гуруҳ беморларининг кўпчилиги тўғри овқатланишга жиддий эътибор бера бошлаганлар. Асосий гуруҳ беморлари дастлабки олинган маълумотларга нисбатан 50% ( $p < 0,05$ ) ҳолларда овқатланишларини тартибга сола бошлаганлар, назорат гуруҳидаги беморларимизнинг 65% ( $p < 0,05$ ) дастлабки кўрсаткичга нисбатан ҳали ҳануз нотўғри овқатланувчилар сирасидандирлар. Тамаки чекувчи беморларимизнинг сони ҳар иккала гуруҳда ҳам камайган бўлиб, асосий гуруҳда 3%, назорат гуруҳида эса 13,5% ни ташкил этди.

6 ойдан кейинги даврда асосий гуруҳидаги 48 ( дастлабки маълумотларга кўра 49 та эди) та беморда МИ га йўлдош бўлиб келган АГ беморларда САБ ва ДАБнинг мақсадли кўрсаткичга эришилиши 29% ( $n=14$ ) ни, назорат гуруҳида 38 та (дастлабки маълумотларга кўра 39 та эди) беморларда эса 39% ( $n=15$ ) ни ташкил этди.

Ҳаётга хавф туғдирувчи аритмияларнинг учраш ҳолати 6 ойдан кейин албатта кам, яъни асосий гуруҳда 9 та (14%) беморда учрамоқда, лекин назорат гуруҳига нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич баланд ҳисобланади. Дастлаб, асосий гуруҳ беморларидан 24 тасида, назорат гуруҳида эса 13 та беморда аритмия ҳолатлари кузатилган эди. 6 ойдан сўнг асосий гуруҳ беморларининг ҚЭ 3 (33%) тасида сақланиб қолмоқда, лекин 2-градацияли, 1-даражали АВ тўсиғи-1 та (11%) беморда, 2 та (22,2%) беморда ҚУТ, 2 та (22,2%) беморда ҚТ хуружи, 1 та (11%) беморда бўлмачалар фибрилляциясининг нормосистолик формаси қайд этилди. Назорат гуруҳидаги беморларда узоқ кузатув босқичида 5 та беморда аритмиялар ҳолати аниқланди. ҚЭ 1 (20%) та беморда, ҚУТ 3 (60%) та беморда ва 1 (20%) та беморда бўлмачалар фибрилляцияси. АВ тўсиқлар ва ҚТХ назорат гуруҳида қайд этилмади. Таҳлил натижаларига кўра, шифохонага такрорий ётқизилиш ҳолатлари асосий гуруҳда 9% ( $n=6$ ) ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 3% ( $n=2$ ) ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ 33% бўлиб, клиник жиҳатдан эътиборли ҳисобланади ( $p < 0,05$ ). Такрорий шифохонага ётқизилиш кўрсаткичларини сбабалари


тахлил қилинди унга кўра, асосий гуруҳда 2 (33%) та беморда СЮЕ нинг жадаллашуви кузатилган, 2 (33%) та беморда гипертоник криз, 1 (17%) та беморда стенокардия хуружи ва яна 1(17%) та беморда қоринчалар устки тахикардияси хуружи бўлган. Назорат гуруҳидаги ҳар икки ўлим ҳолатида сабаб сифатида сурункали юрак етишмовчилигининг авж олиши қайд этилган. Интервенцион муолажалар таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги беморларнинг 5% (n=3) да коронар ангиография ва кейинчалик стентлаш амалиётлари ўтказилган. Назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич фақатгина 2% (n=1) ни ташкил этган. Шунингдек, асосий гуруҳдаги икки бемор (3%) аорта-коронар шунтлаш (АКШ) операциясига муҳтож бўлган ва унга дучор бўлган, назорат гуруҳида эса бундай ҳолат кузатилмаган. Ушбу маълумотлар асосий гуруҳда интервенцион даволаш усулларига эҳтиёж каттароқ бўлганини кўрсатади. Умумий таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, такрорий касалхонага ётқизилиш ва аорто-коронар шунтлаш (АКШ) эҳтиёжининг юқори бўлиши COVID-19 инфекциясини ўтказган миокард инфарктили беморларда клиник ҳолатнинг оғир кечиши ва асоратлар ривожланиш эҳтимоли юқорилигини англатади. Ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишончли ( $p < 0,05$ ) бўлиб (7.расм), вирусли фонга эга беморларда юрак-қон томир тизимига нисбатан жиддийроқ ёндашув талаб этилишини таъкидлайди.



Илова: \*  $p < 0,05$  гуруҳлараро ишонарли кўрсаткич

### 7. Расм. Беморлардаги интервенцион чоралар ва шифохонага қайта ётқизилиш ҳолатлари (асосий ва назорат гуруҳи) (%)

COVID-19 ва миокард инфаркти ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, беморларни хавф гуруҳларига ажратиш ва уларни индивидуал равишда олиб бориш керак. Юқори хавфли беморлар учун интенсив даволаш, орта хавфли беморлар учун назорат ва ҳаёт тарзини ўзгартириш, паст хавфли беморлар учун эса профилактик кузатув муҳим аҳамиятга эга. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда биз ишимизнинг якунида хавф гуруҳларини (8. расм) ва уларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқдик.



**8.Расм. Хавф гуруҳи ва олиб бориш алгоритми**

Ушбу тадқиқот натижаларига асосан, COVID-19 билан оғриган беморларда юрак-қон томир асоратларининг эрта белгилари ва хавф даражасига қараб саралаш, профилактика ва даволаш чораларини босқичма-босқич шаклда амалга ошириш мақсадида клиник алгоритм ишлаб чиқилди ва улар қуйидагилардан иборат бўлди: 1-босқич. Илмий таҳлил асосида концептуал асос яратилди. Олинган маълумотлар асосида асосий хавф кўрсаткичлари: D-димер, тропонин, ЭХОКГ, КТ, САБ/ДАБ, липидлар сараланди. 2-босқич. Критерийлар асосида хавф даражасини аниқловчи мезонлар танланди. Юқори хавфли беморлар - анамнезида COVID-19, миокард инфаркти, юқори босим (АГ 3), СЮЕ III ФС, ҚТХ, семизлик, депрессия, ўрта хавфли беморлар- анамнезида COVID-19, миокард инфаркти, АГ 2, СЮЕ II ФС, ҚТХ, тўғри овқатланмаслик, гиподинамия ва паст хавфли- анамнезида COVID-19 энгил тури, АГ 1, СЮЕ I ФС, нотўғри овқатланиш, стресс, гиподинамия Бу босқичда математик моделлардан (Risk Index, p-қиймат таҳлили) фойдаланилди. 3-босқич. Ҳар бир хавф гуруҳи учун клиник тавсиялар шакллантирилди. Юқори хавф: стационар даво, антикоагулянтлар, интенсив кузатув. Ўрта хавф: амбулатор даво, ҳаёт тарзи коррекцияси, мунтазам мониторинг.

Шундай қилиб, алгоритмни яратишда биз аввал COVID-19дан кейинги асоратлар ҳақидаги илмий манбаларни таҳлил қилдик. Кейин хавф кўрсаткичларини сараладик. Ҳар бир беморни клиник, лаборатор ва инструментал кўрсаткичлар асосида хавф гуруҳларига ажратди. Шу гуруҳларга мос равишда даво ва профилактика тактикаларини босқичлар бўйича шакллантирди. Алгоритм шахсий тадқиқот натижалари асосида тузилди ва

унинг самараси амалда ҳам текширилди. Юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларда хавф даражасига қараб диспансер назорати турлича олиб борилиши кўрсатиб ўтилди. Юқори хавф гуруҳида кардиолог кўригидан ҳар ой, лаборатор таҳлиллар ва психолог маслаҳати доимий равишда ўтказилади. ЭХОКГ ва КТ ҳар 6 ойда ўтказилади, жисмоний фаоллик эса қатъий назорат остида бўлади. Ўрта хавф гуруҳида кардиолог кўриги ва таҳлиллар ҳар 3-6 ойда, ЭХОКГ - йилда бир марта, психолог маслаҳати эса камида ярим йилда тавсия этилади. Жисмоний фаоллик мўътадил даражада ташкил этилади. Паст хавф гуруҳида кўрик ва таҳлиллар йилда бир марта, ЭХОКГ ва психолог маслаҳати керак бўлганда ўтказилади. Жисмоний фаоллик кенгроқ рухсат этилади. Умумий амалиёт шифокори (УАШ) паст ва ўрта хавф гуруҳларида диспансер кузатувини амалга оширади, ҳолат оғирлашса мутахассисга йўллайди, таҳлиллар ва даво динамикасини назорат қилади (8.жадвал).

## 8. Жадвал

### Назорат ва профилактика

Назорат тури	Юқори хавф	Ўрта хавф	Паст хавф	УАШ шифокори
Кардиолог текшируви	Ҳар ой	3–6 ойда бир	Йилда бир	УАШ ўрта ва паст хавф гуруҳларида кардиологдан ташқари кузатувни олиб боради, симптомлар кучайса – мутахассисга йўллайди
Лаборатор таҳлиллар	Ҳар ой	3–6 ойда бир	Йилда бир	УАШ таҳлилларни тайинлайди, назорат қилади, натижаларни баҳолайди
ЭХОКГ ва КТ	Ҳар 6 ойда	Йилда бир	Керак бўлганда	УАШ бу текширувларга йўлланма беради, натижаларни умумий клиник ҳолатга боғлайди
Психолог маслаҳати	Ҳар ой	6 ойда бир	Керак бўлганда	УАШ психоэмоционал ҳолатни баҳолаб, керакли ҳолларда психологга юбориши мумкин
Жисмоний фаоллик	Назорат остида	Мўътадил	Кенгроқ	УАШ жисмоний фаоллик бўйича тавсиялар беради, реабилитация жараёнини кузатади

## ХУЛОСАЛАР

1. Бизнинг тадқиқотимиз натижаларига кўра, COVID-19нинг оғир турини бошидан кечирган беморларда олд девор миокард инфаркти (25,6%) орқа девор инфарктига (16%) нисбатан 36,3% га юқори учраган ( $p < 0,05$ ). COVID-19'нинг ўрта оғир турида ҳам олд девор миокард инфаркти (60,5%) орқа девор миокард инфарктига (44%) нисбатан 42% га устун бўлган ( $p < 0,05$ ). Енгил турда эса орқа девор миокард инфаркти (44%) олд девор инфарктига (14%) нисбатан 60% га юқори қайд этилган ( $p < 0,05$ ). Q-тишчали миокард инфаркти кўпроқ COVID-19'нинг ўрта оғир турини бошдан кечирган беморларда (55,8%) учраган, оғир (27,9%) ва енгил (16,3%) турларда камроқ кузатилган. Q-тишчасиз миокард инфаркти ҳам асосан COVID-19'нинг ўрта оғир тури билан зарарланган беморларда (52%) қайд этилган ( $p > 0,05$ ).

2. Бизнинг тадқиқотимиз COVID-19 инфекцияси фониди миокард

инфарктини бошдан кечирган кекса беморларда яллиғланиш ва қоннинг реологик ҳолатида ишончли ўзгаришлар кузатилганини кўрсатди. COVID-19 ва МИ қайд этилган беморларда, COVID-19 қайд этилмаган беморларга нисбатан, лейкоцитлар 28%, ЭЧТ - 26,3%, фибриноген ва С-реактив оқсил - 23%, креатинин - 11,5% га юқори бўлган ( $p < 0,01$ ). COVID-19 ва МИ билан касалланган беморларда D-димернинг ўртача қиймати  $3,0 \pm 0,4$  мкг/мл ни ташкил этган. COVID-19'нинг энгил клиник турида у  $0,45 \pm 0,05$  мкг/мл, ўрта оғир турда -  $1,9 \pm 0,1$  мкг/мл ( $p < 0,001$ ), оғир турда эса -  $5,4 \pm 0,6$  мкг/мл бўлиб, энгил турга нисбатан 10 баробар, ўрта оғир турга нисбатан 2,8 баробар юқори эканлиги билан ажралиб турди ( $p < 0,0001$ ).

3. Биз олиб борган таҳлиллар хавф омиллари сифатида депрессия ҳолати COVID-19'нинг ўрта оғир тури билан оғриган беморларда - 44%, оғир турида - 35% ва энгил турида - 21% ҳолатда қайд этилганини кўрсатди ( $p < 0,001$ ;  $p < 0,05$ ). Гиподинамия мос равишда 40%, 35% ва 25% ( $p < 0,001$ ;  $p < 0,01$ ); семизлик эса 41%, 34% ва 25% ҳолатларда аниқланган ( $p < 0,001$ ;  $p < 0,05$ ). Спиртли ичимликларни қабул қилиш кўрсаткичи COVID-19'нинг ўрта оғир турини бошдан кечирган беморларда - 50%, оғир турида - 31% ва энгил турида - 19% ни ташкил этган ( $p < 0,0001$ ;  $p < 0,01$ ). Тамаки чекиш эса кўпроқ COVID-19'нинг оғир тури билан зарарланганларда (54,5%) учраган бўлиб, ўрта оғир ва энгил турларда мос равишда 27% ва 18% ( $p < 0,0001$ ) қайд этилган.

4. Биз олиб борган таҳлиллар COVID-19 инфекциясининг оғир кечиши кўп компонентли коморбидлик ҳолатлари билан яқин боғлиқ эканлигини тасдиқлади. Беморларнинг 77,9% да 2-4 хил биргаликдаги хасталиклар, 22,1% да эса монокомпонентли ҳолат аниқланган. 3-компонентли коморбидлик COVID-19'нинг оғир турини бошдан кечирган беморларда - 73,3%, ўрта оғир турида - 40,5% ва энгил турида - 37,5% ( $p < 0,05$ ) кузатилди. 4-компонентли ҳолат асосан COVID-19'нинг оғир тури билан оғриган беморларда (33,3%) қайд этилган ( $p < 0,05$ ). COVID-19'нинг энгил тури билан зарарланишда кўпроқ 2-компонентли ҳолат (50,0%) учраган, ўрта оғир турида эса - 10,8% ( $p < 0,05$ ).

5. Олиб борилган таҳлилларга кўра, COVID-19 ва миокард инфаркти қайд этилган беморларда ўпка шиши (14,7%), кардиоген шок (8,8%) ва ўлим (6%) ҳолатлари COVID-19 қайд этилмаган гуруҳга нисбатан (мос равишда 3,3%, 3,3% ва 2%) юқори учраган ( $p < 0,05$ ). СЮЕнинг III функционал синфи COVID-19'нинг оғир турида 66,7% беморда аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич ўрта оғир турда - 33,3% ва энгил турда - 0% бўлган ( $p < 0,05$ ). COVID-19 ва МИ билан касалланган беморларда оғир тур фонида ҳаёт учун хавфли аритмиялар - АВ тўсиқлар (71%), бўлмачалар фибрилляцияси (60%) ва қоринча тахикардияси (50%) - COVID-19 қайд этилмаган беморларга нисбатан юқори учраган ( $p < 0,0001$ ).

6. Биз COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган, миокард инфарктили кекса ёшли беморларда юрак-қон томир тизими ҳолатини чуқур таҳлил қилдик ва клиник, лаборатор ҳамда инструментал кўрсаткичлар асосида хавф даражаларини аниқладик. Ушбу таҳлиллар асосида беш босқичли диспансер кузатуви ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқдик. Хавф гуруҳларига қараб қўлланилган дифференциал ёндашув индивидуал назорат имконини яратди.

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР КАРДИОЛОГИИ  
НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСВОЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DCS.04/30.12.2019.Tib.64.01 ЦИФРОВОЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ**

---

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ  
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

**АБДУКАДИРОВА НОДИРА МИРАНВАРОВНА**

**ПРОФИЛАКТИКА ОСЛОЖНЕНИЙ ЗАБОЛЕВАНИЯ У ПОЖИЛЫХ  
ПАЦИЕНТОВ С COVID-19 И ИНФАРКТОМ МИОКАРДА В  
АМБУЛАТОРНЫХ УСЛОВИЯХ**

**14.00.06 - Кардиология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ СТЕПЕНИ ДОКТОРА  
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ 2025**

Тема диссертации доктора философии (PhD) в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В2022.4.PhD/Tib3138

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников.

Автореферат диссертации представлен на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) и размещён на веб-сайте Научного совета ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) и на образовательном информационном портале "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).


Научный руководитель:	Тулабоева Гавхар Мирокборовна доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хамидуллаева Гульноз Абдусаттаровна доктор медицинских наук, профессор Курбанов Абдукодир Кенжаевич доктор медицинских наук, доцент
Ведущая организация:	Самаркандский государственный медицинский университет.

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре кардиологии в 2025 году «\_\_» \_\_\_\_\_ в \_\_\_\_ часов. (Адрес: 100052, город Ташкент, улица Азия, дом 4. Тел/факс: (+99871) 234-16-67, e-mail: [info@cardiocenter.uz](mailto:info@cardiocenter.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра кардиологии (зарегистрировано под номером 82). Адрес: 100052, город Ташкент, улица Азия, дом 4. Тел/факс: (+99871) 237-31-57.

Автореферат диссертации был распространён « 09 октября 2025 года.  
(Протокол регистрации № 82 от « 09 октября 2025 года).



  
Р. Д. Курбанов  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
медицинских наук, профессор, академик

  
Г. У. Муллаева  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
медицинских наук

  
А. Б. Шек  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации на соискание степени доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Ишемическая болезнь сердца (ИБС) и её наиболее тяжёлая клиническая форма — инфаркт миокарда (ИМ) — остаются одной из основных причин смерти и утраты трудоспособности среди заболеваний сердечно-сосудистой системы (ЗССС). По данным Всемирной организации здравоохранения, случаи смерти, связанные с ишемической болезнью сердца, в 1990-2021 годах демонстрировали устойчивую тенденцию к росту, «к 2021 году из-за данного заболевания во всём мире скончались почти 9 миллионов человек, и этот показатель подтвердил ишемическую болезнь сердца как одну из ведущих причин глобальной смертности»<sup>1</sup>. Хотя инфаркт миокарда можно эффективно лечить с помощью современных лекарственных средств и предотвращать рецидивы, проблемы, связанные с распространённостью данного заболевания и его тяжёлыми осложнениями, сохраняют актуальность.

В мире инфаркт миокарда, являющийся одной из самых тяжёлых форм ишемической болезни сердца, особенно в пожилом возрасте, относится к высокорисковой патологии, склонной к скрытому течению и позднему выявлению. В период пандемии инфекция COVID-19 оказывала негативное влияние на сердечно-сосудистую систему, и доказано, что через эндотелиальную дисфункцию, воспалительные каскады, тромбоэмболические состояния и повреждение миокарда риск инфаркта возрастал в несколько раз. У пациентов пожилого возраста, особенно среди перенёсших инфекцию COVID-19, патогенетические механизмы развития инфаркта миокарда, взаимосвязь с коморбидными состояниями, нарушения ритма, эффективность реваскуляризации и возможности амбулаторной профилактики недостаточно изучены, в том числе и в развитых странах. С этой точки зрения проведение целенаправленного клинического исследования по данной теме является необходимым.

В нашей стране определены задачи по развитию сферы здравоохранения, адаптации медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в том числе по повышению качества кардиологической помощи, оказываемой населению, расширению работ по профилактике, раннему выявлению и эффективному лечению сердечно-сосудистых заболеваний в регионах, созданию благоприятных условий для пациентов, их бесперебойному обеспечению необходимыми лекарственными средствами, поддержке здорового образа жизни и предупреждению заболеваний «...повышение качества оказания квалифицированной помощи населению в первичной медико-санитарной службе...»<sup>2</sup> и др. Эти задачи позволят внедрить современные методы у пациентов с сердечно-сосудистыми заболеваниями, вывести качество медицинской помощи на новый уровень, снизить

<sup>1</sup> ВОЗ. Статистический анализ, 2017. WHO STEPS Uzbekistan, 2019

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы».

инвалидность и смертность от данного заболевания.

Указы Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ–60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы», от 26 марта 2020 года № ПФ–4649 «О дополнительных мерах по предотвращению широкого распространения коронавирусной инфекции в стране», постановления Президента от 15 марта 2022 года № ПК–167 «О дополнительных мерах по всесторонней поддержке лиц пожилого возраста и повышению уровня их жизни», от 28 мая 2020 года № ПК–340 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственной поддержки пожилых», а также другие нормативно-правовые документы, относящиеся к данной деятельности, — данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, предусмотренных в них.

### **Соответствие исследования приоритетным направлениям развития республиканской науки и технологий.**

Настоящее диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением VI «Медицина и фармакология» — совершенствование науки и технологий.

**Степень изученности проблемы.** В последние годы по всему миру пандемия COVID-19 послужила толчком к широкомасштабным исследованиям влияния на заболевания сердечно-сосудистой системы. Отмечено, что на фоне инфекции COVID-19 инфаркт миокарда развивается чаще, в частности среди лиц пожилого возраста и групп высокого риска, а уровень смертности значительно повышался (Tay S., Tang J., Yu B. и соавт., 2020). Исследователи в Соединённых Штатах на анализе более чем 11 миллионов пациентов установили, что в течение 1 года после COVID-19 риск инфаркта миокарда увеличивается на 63%, сердечной недостаточности — на 72% и инсульта — на 52% (Аль-Али и др., 2022). Отмечено, что тяжёлое течение COVID-19 часто связано с артериальной гипертонией, ишемической болезнью сердца, сахарным диабетом и хронической почечной недостаточностью (Hu N., Lou J., Chen K., Kang X., 2020).

В исследованиях, проведённых в университете имени М.М. Сеченова, центре “Алмазов” и учреждениях, подведомственных Минздраву РФ, на фоне инфекции COVID-19 отмечен высокий риск инфаркта миокарда, аритмий, тромбозов и повреждения эндотелия (2020-2022). В нашей стране, хотя научные работы, посвящённые проблеме сердечно-сосудистых заболеваний и COVID-19, немногочисленны, они имеются, и ведётся ряд исследований, в том числе клинический и прогностический анализ особенностей эндотелиальной дисфункции при сочетании хронической сердечной недостаточности и инфекции COVID-19 (Рахимов А.Н., 2023). Кроме того, у пациентов, перенёвших инфекцию COVID-19, глубоко изучены состояния гиперкоагуляции и изменения параметров крови и разработаны рекомендации (Исматова М.Х., 2023).

Анализ литературы показывает, что в настоящее время в нашей

Республике важное научно-практическое значение приобретают выявление клинических и функциональных предикторов течения инфаркта миокарда, оценка эффективности многокомпонентной терапии, а также изучение влияния на процесс повреждения, возникающего в органах-мишенях. Вместе с тем одним из актуальных задач считается и анализ приверженности пациентов к лечению и уровня принятия лечебных процедур. Исследования, проводимые в данном направлении, ещё раз подтверждают научную значимость данной проблемы

**Связь диссертационного исследования с научными работами научно-исследовательского учреждения, в котором выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научных исследований Центра развития профессиональной квалификации медицинских работников при Министерстве здравоохранения Республики, в рамках научного проекта №0196 0004420 на тему «Возрастные аспекты сердечно-сосудистой системы» (2021–2024 гг)

**Цель исследования:** путём анализа функций сердечно-сосудистой системы, сопутствующих заболеваний, лабораторно-инструментальных показателей и долгосрочных клинических исходов у пациентов с инфарктом миокарда, перенёсших инфекцию COVID-19, их стратифицировать по группам риска и научно обосновать разработку индивидуальных мер лечения и профилактики

**Задачи исследования:**

выявить у пожилых пациентов, перенёсших инфекцию COVID-19, особенности клинических проявлений инфаркта миокарда, очаги поражения и их локализацию, а также определить возможную клиническую и патогенетическую связь между формами инфаркта и различной степенью тяжести вируса;

путём глубокого анализа клинических и лабораторных показателей у пациентов, перенёсших инфаркт миокарда на фоне инфекции COVID-19, определить воспалительный процесс, состояние гиперкоагуляции и риск развития тромбоза;

изучив распространённость различных факторов риска у пациентов, перенёсших инфекцию COVID-19 и у которых развился инфаркт миокарда, в том числе депрессии, малоподвижности (гиподинамии), избыточной массы тела, неправильных пищевых привычек, употребления табачных изделий и приёма алкоголя, провести углублённый анализ распределения указанных факторов по степеням тяжести заболевания (лёгкие, средней тяжести и тяжёлые формы);

выявить у пожилых пациентов, перенёсших инфекцию COVID-19 и инфаркт миокарда, высокую степень коморбидности в сердечно-сосудистой системе, оценить её влияние на тяжесть течения инфекции, осложнения инфаркта и прогноз;

выявить ранние и поздние осложнения, встречающиеся у пациентов, перенёсших инфаркт миокарда, проанализировать их распространённость и

соотношение, на основе полученных данных сформировать группы риска и предложить алгоритм ведения.

В качестве **объекта исследования** были отобраны 68 пациентов, перенёсших ИМ и COVID-19 (основная группа), а также 60 пациентов, перенёсших ИМ, но без зарегистрированного в анамнезе COVID-19 (контрольная группа). Всего в исследование включены 128 пациентов.

**Предмет исследования составили:** клинико-гемодинамические, биохимические показатели пациентов и показатели качества их жизни.

**Методы исследования.** В нашем научном изыскании применялись клинико-функциональные, биохимические, инструментальные и статистические методы обследования.

**Научная новизна исследования заключается в следующем:**

у пожилых пациентов, перенёсших инфекцию COVID-19 и у которых развился инфаркт миокарда, выявлено одновременное встречаемость артериальной гипертензии, сахарного диабета, дислипидемии и хронической сердечной недостаточности, их негативное влияние на тяжёлое и осложнённое клиническое течение инфекции установлено;

впервые определена прямая роль инфекции COVID-19 у пожилых пациентов в значительном поражении передней стенки миокарда и развитии инфаркта миокарда формы с зубцом Q;

у пожилых пациентов, перенёсших COVID-19 и инфаркт миокарда, установлено, что процессы воспаления и гиперкоагуляции сохраняются и спустя 6 месяцев, оставаясь одной из основных причин возникновения осложнений заболевания и увеличения потребности в повторной реваскуляризации;

на основе клинических, лабораторных и анамнестических данных у пациентов, у которых на фоне COVID-19 развился инфаркт миокарда, научно обоснованы оценка индивидуального уровня риска и поэтапные меры наблюдения и лечения.

**Практические результаты исследования заключаются в следующем:**

на основе полученных данных разработан оптимизированный протокол терапии инфаркта миокарда у пожилых, включающий детальные рекомендации по выбору клинических и биохимических обследований, планированию лечения и последующему мониторингу у пациентов, у которых на фоне COVID-19 развился инфаркт миокарда;

на основе полученных результатов разработаны рекомендации для врачей, работающих в первичном звене здравоохранения, помогающие эффективно лечить, реабилитировать и осуществлять вторичную профилактику у пациентов с инфарктом миокарда и COVID-19;

свидетельствует о том, что не только лечение, но и в области профилактики разработаны специфические методы. Эти методы показали возможность достижения положительных изменений в клинических и гемодинамических показателях заболевания;

раскрыто, что внедрение в клиническую практику протокола оценки

влияния важных факторов риска, вызывающих сердечно-сосудистые заболевания, и ведения в амбулаторных условиях, даёт возможность снизить развивающиеся после инфаркта миокарда осложнения у пациентов.

**Достоверность результатов исследования** основывается на ряде важных факторов. В частности, на применении современных методов и подходов, соответствии теоретических данных полученным результатам, методической правильности проведённых обследований, достаточности числа пациентов, опоре клинико-биохимических и инструментальных данных на статистические методы исследования, а также на сопоставлении результатов исследования с международными и местными исследованиями, и, наконец, на подтверждении полученных результатов уполномоченными структурами. Применение статистических методов обеспечило достоверность полученных результатов.

**Научная и практическая значимость результатов исследования.** Научная значимость результатов исследования состоит в том, что они служат определению основных направлений профилактики серьёзных осложнений, которые могут возникать у пожилых пациентов на амбулаторном этапе вследствие инфаркта миокарда и COVID-19, и объясняются тем, что полученные результаты выявляют слабые стороны рабочего процесса амбулаторного лечения пациентов, перенёвших COVID-19 и страдающих инфарктом миокарда.

